

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ: исломий нуқтаи назар

Абу Муслим тайёрлади

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф сўзлари

Инсон ҳуқуқлари масаласи бугунги куннинг энг долзарб масаласидир. Ҳозирги дунёнинг бош масалаларидан биридир.

Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, инсон ҳуқуқлари масаласи умумжаҳон ҳамжамиятининг, халқаро жамиятларнинг, турли давлатлараро ташкилотларнинг ва муассасаларнинг катта аҳамият берадиган масаласидир. Жаҳоннинг турли давлатларида жамоатчилик асосида иш олиб борадиган ва ҳукуматлар томонидан ташкил қилинган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ишлаб турибди.

Ҳозирги кунимизда ҳар бир масала инсон ҳуқуқлари масаласига боғланмоқда. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инсон ҳуқуқлари масаласи дунё сиёсатидаги бош масалалардан бири бўлиб турибди.

Бундай шароитда, ўз-ўзидан Ислом дини инсон ҳуқуқлари масаласига қандоқ қарайди? деган савол пайдо бўлади. Бу саволга жавоб беришдан олдин, бугунги кунда инсон ҳуқуқлари шиори остида кўтарилаётган масалалар рўйхатига назар соладиган бўлсак, ушбу масалалар Ислом динида муфассал кўриб чиқилгани, уларни ҳал қилиш катта муваффақият билан йўлга қўйилганини кўраимиз.

Тарих саҳифаларида Ислом низоми инсон ҳуқуқига тегишли масалаларни биринчи бўлиб, энг мукамал ва энг кенг миқёсда татбиқ қилгани олтин ҳарфлар ила битилгандир.

Ислом пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ва у кишининг рошид халифалари даврида яшаган муслмон халқлар инсон ҳуқуқлари масаласида катта ютуқларга эришган халқлар экани ҳам маълум ҳақиқатдир.

Бундан ўн беш аср олдин бу ишни рўёбга чиқиши ажабланарли эмас. Чунки, Исломдаги инсон ҳуқуқлари манбаси илоҳий манбадир.

Исломда бир гуруҳ одамлар тўпланиб олиб одамларга қандай ҳуқуқлар беришимиз керак? деб маслаҳат қилиб, кейин бир баё-нот билан чиқилмайди.

Исломда инсонларга ҳуқуқлари уларнинг яратувчи холиқ, Аллоҳ томонидан берилади. Инсонни яратган Аллоҳ таоло, унинг қандай ҳуқуқларга муҳтож эканини ҳам яхши билади ва ўша билими асосида, унга керакли, фойдали ҳуқуқларни беради.

Шунинг учун ҳам, Исломдаги инсон ҳуқуқлари масаласида инсонларнинг бирон тоифаси эътибордан четда қолмаган, ҳаммага адолат юзасидан тенг савияда муомала қилинган.

Исломда инсон ҳуқуқлари ҳақида гап кетар экан, инсон сифатида ҳар бир шахс у ҳуқуқлардан фойдаланиши зарурлиги таъкидланади. Чунки, бу илоҳий неъматдир ундан ҳар бир банда фойдаланиши керак.

Исломда инсон ҳуқуқларига маълум бир жамоанинг келишув асосида тузган шартномаси, ўша келишувда қатнашган тарафлар хоҳлаган тоифаларга берилади, қолганларга берилмайди, деб бўлмайди. Ёки инсон ҳуқуқларидан ўзини масъул, деб эълон қилган томонга яқинларга кўпроқ, улардан узоқларга озроқ ҳам берилмайди. Балки, барча инсонларга баробар берилади.

Инсон ҳуқуқлари ҳақида гап кетар экан, у ҳуқуқларни белги-лашда инсоннинг ўзига нисбатан бўлган муносабат ҳам муҳим ўрин тутаети. Биз ҳуқуқлари ҳақида гапираётган инсоннинг асли қандоқ, унинг бу дунёда турган ўрни қандоқ? каби саволларга бериладиган жавоблар, инсон ҳақларининг асосини белгилашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Албатта, инсон меҳнат туфайли ривожланиб қолган маймундир, деганлар инсонга ўзига яраша ҳуқуқ беришга уринадилар.

Исломда эса, инсонга, сен маймундан тарқалгансан, дейиш-нинг ўзи инсонлик ҳуқуқини поймол қилишнинг олий нуқтаси, деб қаралади,

Шунингдек, инсон гуноҳ қилиб қўйиб, Аллоҳнинг ғазабига учраган махлуқ, у бу дунёда фақат ўша гуноҳини ювиш учунгина юрибди, у ўзини қанча кўпроқ қийнаса, тарки дунё қилса, шунчалик ўзига яхши бўлади деганлар ҳам инсон ҳуқуқларига нисбатан ўзларига яраша муносабатда бўладилар.

Исломда эса, Одам Ато гуноҳ қилган пайтидаёқ тавба қилган, Аллоҳ ўша заҳоти уни кечирган, ҳозирда эса ҳар бир инсон беғуноҳ туғилади. Инсон Аллоҳнинг ер юзидаги халифасидир. У Аллоҳнинг амрига мувофиқ яшаб, бу дунёни қанчалик обод қилса, шунчалик савоб олади, икки дунёси обод бўлади, деб эътиқод қилинади

Исломда инсон Аллоҳ Ўз қўли билан яратган, Ўз руҳидан жон пуфлаган, ер юзида Ўзининг ўринбосари қилиб қўйган олий жаноб бир зотдир.

Бу олий жаноб маънони Қуръони карим оятлари очиқ баён этган. Аллоҳ таоло «Сод» сурасида иблисга хитоб қилиб: «Эй Иблис, сени Мен икки қўлим билан халқ қилган нарсага сажда қилишдан нима ман қилди?!» - дейди.

Ҳа инсонни Аллоҳ таоло Ўз қўли билан яратгандир. Уни улуғлаб фаришталарни унга сажда қилишга амр қилгандир. Инсонга сажда қилмаган иблисни итоб қилиб Ўз даргоҳидан қувгандир.

Аллоҳ таоло «Сажда» сурасида инсоннинг яратилиши ҳақида хабар бериб: «Сўнг уни тўғрилади ва ичига Ўз руҳидан фуфлади»-дейди.

Ҳа, инсоннинг яратилишини Аллоҳ таоло Ўзи тўғрилагандир ва унга жонни Ўз руҳидан пуфлагандир.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида инсонни яратишидан мақсади ҳақида фаришталарга қуйидаги хитобни қилади: «Роббинг фаришталарига, албатта, Мен ер юзида халифа яратувчиман, деганини эсла!»

Инсон Аллоҳ таоло томонидан яратилган нарсаларнинг гул-тожидир. Дунёдаги қолган бошқа барча нарсаларни Аллоҳ таоло инсон фойдаси учун яратгандир.

Бу ҳақда ҳам Қуръони карим очиқ-ойдин баёнот беради. Аллоҳ таоло «Жосия» сурасида қуйидагиларни айтади: «У сизларга осмонлар ва ердаги жамики нарсаларни Ўзидан мусаххар қилиб қўйди».

Демак, Исломда инсон ҳуқуқлари ҳақида сўз кетар экан, Аллоҳнинг қўли ила яратилган олий мақом зот, Аллоҳнинг руҳидан жон олган мўътабар зот ва Аллоҳнинг ер юзидаги халифаси-ўринбосари бўлган зот ҳақида сўз кетади. Ана ўшандоқ зотнинг ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисида баҳс юритилади.

Исломда инсон ҳуқуқлари ҳақида сўз юритилар экан, дунёда-ги барча нарсалар унга беминнат хизмат қилиши учун яратилган зот ҳақида сўз кетади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг «Исро» сурасида: «Батаҳқиқ, Биз Бани Одамни мукаррам қилиб қўйдик» - деган.

Демак, Исломда инсон ҳуқуқлари ҳақида гап кетар экан, Аллоҳ таоло томонидан мукаррам қилиб қўйилган, Бани Одам ҳақида сўз кетади.

Бинобарин, инсон ҳуқуқларини поймол қилувчилар Аллоҳнинг иродасига қарши чиққан бўладилар. Улар Аллоҳ Ўз қўли билан яратган, Ўз руҳидан жон пуфлаган, Ўзининг ер юзидаги ўринбосари ва Ўзи азизу мукаррам қилиб қўйган зотнинг ҳуқуқларини поймол қилган бўладилар.

Ислом таълимотларининг барчаси, шарият аҳкомларининг ҳаммаси инсон ҳуқуқлари масаласига боғлиқ қилинган, десак заррача ҳам муболаға қилмаган бўламиз.

Бу ҳақиқатни тушуниб олишимиз учун шариятнинг мақсадлари нималардан иборат?-деган саволга жавоб беришнинг ўзи кифоя.

Бу саволга Ислом уммати ўн беш асрдан буён бир овоздан, Ислом шариятининг мақсадлари; динни, жонни, ақлни, наслни ва молни асрашдан иборат, деб жавоб бериб келмоқда.

Бугунги кунда кўтарилаётган инсон ҳуқуқлари масалалари шу беш муҳим нарса; дин, жон, ақл, насл ва молни асраш, муҳофаза қилиш ҳақида кетмаяптими? Албатта, шу ҳақда кетмоқда. Бугунги кунда масала қилиб кўтарилаётган инсон ҳуқуқлари ҳам худди шу беш асосий нарса атрофида айланади.

Ислом кишиларни бирор ишга буюрган бўлса ушбу беш нарсани асраш учун буюргандир.

Ислом кишиларни бирор нарсдан қайтарган бўлса ушбу беш нарсани муҳофаза қилиш учун қайтаргандир.

Мақсади шундоқ олий даражада бўлган тузумгина инсон ҳуқуқларини етарли даражада таъминлай олиши мумкин.

"Исломда инсон ҳуқуқлари" китобидан

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲАҚИДА ЕВРОПАЧА ТАСАВВУР

Ҳозирги даврда инсон ҳуқуқлари масаласи турли халқлар, давлатлар ва халқаро ташкилотлар миқёсида муҳим аҳамият касб этади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ғарб тамаддуни, янги давр ислохотчилари ва мутафаккирлар саъй-ҳаракатларининг юксак чўққиси ҳисобланади. Ушбу декларация Иккинчи жаҳон уруши якунланганидан сўнг, инсониятнинг шафқатсиз уруш азоб-уқубатларини бошидан кечирган халқаро жамиятда инсон ҳуқуқларини тушуниш борасида ҳамжиҳатликка интилишининг ифодаси сифатида қабул қилинди.

Декларацияда кўрсатилишича, Инсон ҳуқуқларини менсимаслик ва оёқ-ости қилиш одамзод виждонини ўртаётган ваҳшийларча қилмишларга олиб келган.

Мана шу сабабдан Декларация преамбуласида ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти ҳамиша ана шу декларацияни назарда тутиб маърифат ва илм йўли билан ушбу ҳуқуқлар ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига ёрдам беришга интилишлари ҳамда миллий ва халқаро тараққийпарвар тадбирлар йўли билан ҳам, ушбу ҳуқуқлар ва эркинликларнинг Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ва мазкур давлатларнинг юрисдикциясидаги ҳудудларда яшаётган халқлар ўртасида ялписига ва самарали тан олишга чақирилган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси кўплаб Ғарб файласуфлари ва мутафаккирларининг саъй-ҳаракатлари юксак чўққисини ифодалайди. Бу ҳаракатлар тарихи XIII асрларга бориб тақалади, шунда 1215 йил Англияда Магна Карта – Эркинликлар буюк хартияси қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ инглиз халқи ўша пайтлардаги мамлакат

ҳукмдорлари томонидан молиявий ситамлардан ўзини олиб қочиш ҳуқуқини қўлган киритган.

АҚШнинг 1776 йил мустақиллик эълон қилиш ҳақидаги ҳужжатида ҳаёт, эркинлик ва тенглик ҳуқуқлари тасдиқланган инсон ҳуқуқларига доир қоидалар мавжуд бўлган.

1789 йил 26 августда Француз инқилоби инсон ҳуқуқларини эълон қилган ва бу ҳуқуқлар декларацияси сифатида кўриб чиқиладиган ҳужжат қабул қилди.

Европалик донишмандлар ва файласуфларнинг асрлар давомдаги саъй-ҳаракатлари ўлароқ қабул қилинган муҳим ва ҳал қилувчи қадам саналган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинишидан олдинги хартиялар мана шудай бўлган. Бу ҳаракатларнинг мақсади халқларни улар Европада жаҳолатпарастлик асрлари давомида ва Европада Уйғониш даврининг бошларида диний ва дунёвий ҳукмрон доиралардан кўриб келган азоб-уқубатлар ва жабр-ситамдан ҳимоя қилиш бўлган.

Бундай азоб-уқубатлар сабаби феодаллар ва руҳонийларнинг зўравонлиги, шунингдек, черковнинг инсон онги ва руҳини озод қилиш мақсадини кўзлаган ғоявий оқимларга қарши кураш олиб боришга интилиши ҳисобланган.

Исломда эса – унинг ақидалари, маданияти ва шариатда буларнинг биронтаси ўринга эга бўлмаган.

Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, Европа қитъасида вужудга келган инсон ҳуқуқлари ғоясининг ўзи Европа ҳукмдорлари ва руҳонийларининг истибдодидан озод қилиш учун фойдаланилган, лекин нафақат замонавий даврда Европа мустамлакачилиги жабр-зулми остида қолган, балки инсон ҳуқуқлари тамойилларига умуман зид келадиган зўравонлик ва ситамларни бошидан кечирган бутун бошли халқларни асло ҳимоя қилмаган.

Айримлар БМТ Устави билан боғлайдиган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси асосий эътиборни

халқаро даражада инсон ҳуқуқларини тушунишга қаратади.

Бу муаммо миллий суверенитет нуқтаи назаридан қабул қилинмаган, аксинча, бу ҳуқуқларнинг тан олинishi ва амалга оширилиши халқаро характерга эга бўлиб, бунда давлатнинг алоҳида шахс билан муносабатлари халқаро ҳуқуқ доирасидан чиқмайди ва ички қонунчилик субъекти бўлмай қўяди.

Боз устига, айтиб ўтлиган муаммо имтиёзли халқаро характерга эга бўлди, бу эса инсон ҳуқуқлари масаласининг замон ва макон доирасидан четга чиқишига хизмат қилди. Бу айниқса, инсон қадр-қимматини пастга урадиган фашистлар, марксистлар ва бошқа тоталитар режимлар, шунингдек, замонавий даврда уларнинг ҳукмронлиги остида бўлган халқларга нисбатан адолатсиз ва ғайриинсоний муносабатда бўлган империалистик давлатлар томонидан қўлланган.

Инсон ҳуқуқлари масаласининг халқаро характерини ҳисобга олган ҳолда бу масалага эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак. Инсон ҳуқуқлари мавзуси мураккаб ва чалкаш мвзуга айланди, мафқурани эса бу ерда манфаатдор томонлар позицияларидан ажратиб бўлмайди. Бу мавзу айна дамда бутун дунёни хавотирга солмоқда ва, эҳтимол, кейинги ўн йилликларда ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Ҳозирги пайтда инсон ҳуқуқлари масаласи буюк давлатлар ташқи сиёсати қуролларидан бирига айланган ва бу айниқса, кучли давлатларнинг фикрига кўра, инсон ҳуқуқлари бузилаётган ёки инсон ҳуқуқлари бузилишида айбланаётган мамлакатларга халқаро ёрдам бериш рад этилиб, ривожланаётган мамлакатларга халқаро ёрдам тақдим этишда мезон сифатида фойдаланишда намоён бўлмоқда.

БМТда хаттоки инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан назорат қилиш учун инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар лавозими таъсис этиш ғояси ҳам пайдо бўлди.

Сир эмаски, унинг мавжудлиги ҳақида ўп йиллар олдин айтилган янгича дунё тартибидаги мураккаб шароитларда бу функцияларни бажаришда муаммолар вужудга келмоқда. Шу билан бирга, унинг асосий йўналишлари, қадриятлари ва мезонлари ҳалигача шаклланмаган, бу эса инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш баҳонаси остида давлатларнинг ички ишларига асоссиз равишда аралашуш учун имкон қолдиради.

Бошқа томонидан, турли мамлакатларда фаолият кўрсатадиган нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари ўз мақсадлари ва фаолият характери бўйича ушбу масалага бевосита муносабатда бўлмоқда.

Ноҳукумат ташкилотлари ҳижрий 1414 йил зулҳижжа ойининг 24 санасидан муҳаррам ойининг 5 санасигача, яъни 1993 йилн 14-25 июнь кунлари Саудия Арабистони Ташқи ишлар вазири амир Саид Фейсал бошчилигидаги САҚ делегацияси иштирок этган Инсон ҳуқуқлари бўйича Вена конференцияида муҳим роль ўйнади.

Конференцияда ноҳукумат ташкилотлари иши давлатлар ва ҳукуматлар фаолиятидан асло фарқ қилмади, бу эса асосий инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан ғамхўрлик баҳонаси остида давлатлар ва нодавлат ташкилотлари томонидан асосий инсон ҳуқуқларининг бузилишида айбланган мамлакатлар ишига халқаро аралашуви қонунийлиги ҳақидаги фикрлар тўғрилигига яна бир бор ишонтиради. Ноҳукумат ташкилотлари орасида ўз фаолиятини тўлалигича айнан шу муаммога бағишлаган ташкилотлар ҳам бор. Улар халқларнинг ижтимоий, маданий, диний ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олмасдан, ягона намуна сифатида ғарб модели танлаб олинган, бўҳтонлардан холи бўлмаган маърузаларни ифодалайди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ҒАРБ МАКТАБИНИНГ ТАНҚИДИ

Сиёсий маънода инсон ҳуқуқлари бўйича дастлабки Европа мактаби XVIII асрда пайдо бўлган. Бу мактаб раҳбарлари ва мутафаккирлари жамиятда умумий эркинликларни тасдиқлаш ва уларни ҳукумат бунинг учун қонун олдида жавоб бермаган ҳолда буза олмайдиган қилишга уринган. Шу сабабга кўра, Европада инсон ҳуқуқлари конституцияда эълон қилинадиган умумий эркинликлар масаласи билан боғланарди. Бу фикрга рози бўлмасдан бўлмайти, чунки сиёсий режимлар бир хил бўлмаган, бу эса инсон ҳуқуқлари ғоясининг кучсизлашувига, унга нисбий характер берилиши ҳамда умумий ҳуқуқ ва эркинликларнинг гўеки ҳукуматга қарши йўналтирилгани ва унга қарамасдан мавжудлигига олиб келган.

"Умумий эркинликлар" тушунчасини "инсон ҳуқуқлари" атамасидан узоқ вақт давомида ажратиб бўлмаган, чунки умумий эркинликлар тасдиқланиши, ҳукумат билан ўзаро муносабатларда шахснинг бу ҳуқуқларни қўлга киритиш тамойилининг мустақамланиши ўша даврдаги мутафаккирлар ва айниқса, ҳуқуқшуносларнинг жуда кўп вақтини оларди.

Ҳап шундаки, умумий эркинликларнинг айримлари, масалан, сўз ва фикр эркинлиги ҳукумат ва ҳукмронлик қилувчи сиёсий режим билан чамбарчас боғлиқ бўлган, шу сабабли конституцияга бу эркинликлар ва уларга риоя қилинишининг кафолатларини белгилайдиган матнлар киритилган. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, Европа давлатлари халқлари руҳонийлар зўравонлиги ва ҳукуматлар истибдодидан азият чекарди.

Инсон ҳуқуқлари борасида Европа мактаби ривожланган ва ҳақиқат ғоясига етиб келган. Ушбу ғояга кўра, инсон ҳуқуқлари деб шахснинг у инсон эканлиги учунгина эга

бўлиши лозим бўлган ҳуқуқларга айтилади. Бунда уларнинг қонун билан ҳимоя қилиниши асосланмайди, балки ҳукумат томонидан берилмайдиган ва ҳимоя қилинмайдиган инсон ҳуқуқлари саналиши муҳим ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари концепциясининг бундай ривожланиши ҳақиқат ғоясига бориб тақалади, бу эса юқорида айтиб ўтилганидек, Европа инсон ҳуқуқлари мактаби ундан вужудга келган бошқа асос саналади. Унинг моҳияти шундан иборат эдики, инсон ҳуқуқлари ҳукуматга қарши йўналтирилган умумий эркиниклардир. Бундай қарашлар ҳеч қандай танқидга бардош бермайди, чунки айрим ҳуқуқларни қандайдир эркинликлардан бири деб ҳисоблаш мумкин эмас, масалан, ижтимоий таъминот ҳуқуқи – чунки буни «эркинлик» деб ҳисоблаб бўмайди.

Ислом нуқтаи назаридан, айтиб ўтилган ҳуқуқлар умумий бўлиши лозим ва шахс улардан нафақат ҳукумат билан, балки бошқа одамлар билан ўзаро муносабатларда ҳам фойдаланади. Хусусан, инсон қадр-қиммати Ислом нуқтаи назаридан ўз-ўзидан қимматга эга ва инсон нафақат ҳукумат билан, балки ҳамма билан ўзаро муносабатларда ўз қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Боз устига, Ислом инсонни унинг эркин ихтиёри ички ва ташқи намоён бўлишларидан тийиб туради, бу ҳақида қуйироқда гапирилади.

Замонавий Европа мактабида инсон ҳуқуқлари ғоясининг ривожланиши, эҳтимол, бу ҳуқуқлар инсонга шундайлигича берилиши ҳамда бу ҳуқуқларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги қонун уларни белгилаб бермаслиги сабабли қонун билан белгиланишига боғлиқ эмаслигини Исломиёй тушунишга мос келади.

Агар позитив ҳуқуққа асосланган қарашлар инсон ҳуқуқлари манбаси деб жамоатчилик онгини ҳисоблайдиган бўлса, мусулмонлар фикрига кўра, улар

Аллоҳнинг амри билан, Унинг ҳақимлиги, Унинг қонуни ва У одамларни ўзининг бошқа яратган мавжудотларидан афзал кўриши сабабли алоҳида ҳуқуқларга эга бўлган одамлар эканлиги туфайли маълум бир ҳуқуқларга эга бўлади.

Ижобий ҳуқуққа асосланган, инсон ҳуқуқлари манбаси жамоатчилик онги ҳисобланиши ҳақида қарашлар пайдо бўлишининг сабаби бу ҳуқуқлар манбаси деб динни ҳисоблашни истамаслик билан асосланади.

Айнан шу сабабли жамоатчилик онги инсон ҳуқуқларининг асл манбаси – Аллоҳ Таоло ва Унинг дини қонунига яқинлашмасдан, бу ҳуқуқлар манбаларини ошириш истагини ифодаловчи сифатида тақдим этилган.

Европача қараш инсон ҳуқуқлари манбасининг кўтарилиши ва унинг Аллоҳ билан боғланишида умумжаҳон амалиёти ва муроса кафолатини кўрадиган юз миллионлаб кишиларнинг фикрларига мос келмайди.

Шариатда инсон ҳуқуқлари одамларнинг ихтиёридан, замон ва макон тоифаларидан, турли доктриналардан, яъни ўз тартиби ва қонунларига эга бўлган турли мамлакатлардаги турли амалиёт мезонларидан қатъи назар ниятдан келиб чиқади. Қисқача айтганда, бу ҳуқуқлар Аллоҳнинг ўз каломида ва шариатнинг умумий асосларида изоҳлаб берган, ҳамманинг ва ҳар бир кишининг – ҳукмдор ва фуқаронинг, давлат ва халқларнинг бажариши учун мажбур қилиб қўйган бандаларига кўрсатган марҳаматлари қаторига киради. Шариат ҳукуматнинг қўлида қурол ёки одамларнинг жамият ё ҳукмдорларга қарши чиқиши учун далил ҳисобланмайди. Замон ва макон тоифалари билан боғлиқ бўлмаган Ислом дунёқарашларига кўра, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш уларга риоя қилинишининг энг ишончли кафолати уларнинг манбаси эканлигидан келиб чиқиб кафолатланади.

Европача тушунишда инсон ҳуқуқлари асосида ётадиган қадриятлар, масалан, эркинлик ва тенглик мутлақ характерга эга ва жамият ҳолати, замон ва макондан қатъи назар ўзгармайди деб таъкидлаш хато бўларди.

Гап шундаки, "инсон ҳуқуқлари" тушунчаси баҳолаш нуқтаи назаридан замон, макон ва шароитлардан қатъи назар барча жамиятлар учун умумий мезонларга бўйсунадиган илмий тушунча деб ҳисобланиши мумкин эмас. Масалан, бизнинг кунларда асосий инсон ҳуқуқлари саналган эркинлик, адолат ва тенглик ҳуқуқлари турли жамиятларда турлича баҳоланади ва уларга бир хил аҳамият берилмайди.

Айрим давлатлар эркинликка яққол сиёсий маъно бахш этади, бошқалар – ижтимоий, учинчи давлатлар – маданий, тўртинчи давлатлар – индивидуал ва ҳаттоки буни жинсий эркинлик деб атайди, ваҳоланки аслида бундай эркинлик ҳақиқий анархия ҳисобланади. Олий қиммат сифатида кўриб чиқиладиган одамлар орасидаги тенглик моддий манфаатлар ва ижтимоий доктриналарга бўйсунди. Адолатлилик кўпинча турли манфаатлар ва инжиқликларга қараб талқин қилинади.

Кўриниб турибдики, "қадриятлар" тушунчаси ўзгарувчан ва нисбий характерга эга. Демак, эркинлик ва тенгликни бир хилда тушунишга, шунингдек, уларнинг тўғрилиги ва амалий қўлланишини кафолатлайдиган меъёрларга келишнинг имкони йўқ, бу эса бизни олий инсоний қадриятларни аниқлашда замон ва макон нисбий тоифаларига таянмаслик керак.

Ишончимиз комилки, бунга фақат замон ва макон, одамлар қонунидан юқорироқ бўлган қонунчиликнинг олий манбасига, Аллоҳга ишонган киши эътиқодга асосан бўйсунадиган манбага таянган ҳолда эришиш мумкин. Шу сабабли инсон ҳуқуқлари масаласида нисбийликдан мусулмонларда унинг асослари ва матнларига киритилган

илохий манбага эга бўлган Ислом шариати билан ифодаланган йўл билан эришиш мумкин.

Замонавий мактаб эришган инсон ҳуқуқларини тушуниш биз юқорида айтиб ўтган йўлдаги қадам эканлигини инкор қилиш мумкин эмас. Унга мувофиқ инсон ҳуқуқларининг манбаси ҳар қандай жамият маълум бир вақтда ўз қонунлари, урф-одатлари, анъаналари ва маданий мероси асосида белгилайдиган ижтимоий тузилма манбасидан олийроқдир.

Бироқ инсон ҳуқуқлари манбасини жамоатчилик онги билан бундай чегаралаш инсоният ва инсонлар тарихи ундайдиган универсалликка эришиш учун етарли эмас.

Буларнинг барчаси бизга шуни яққол кўрсатадики, жамоатчилик онги белгиланган вақтда ва белгиланган жойда шаклланади, бу эса ўз-ўзидан чидаб бўлмас ноҳақлик ҳисобланади ва инсон ҳуқуқлари ғоясининг ўзига зид келади.

Кўплаб жамиятларда, айниқса, қадимги империялар даврида ва ҳатто замонамизнинг айрим сиёсий режимларида ва айнан Европада, энг арзимас сабабларга кўра инсон ҳаёти қадр-қимматини назар-писанд қилмасдан муносабатда бўлган ҳолда инсоният онги Европа дини, ирқи ёки манфаатлари билан фарқ қиладиган бошқача жамиятда жабр-ситам ва азоб-уқубатларга мураса қилмаганми? Европалик мустамлакачиларнинг Африка ва Осиёдаги ҳаракатларига қисқача назар ташлаб чиқиш бунинг ёрқин далили бўлиб хизмат қилади.

Жамоатчилик онги, тахмин қилинганидек, бутун инсониятга нисбатан амал қилиши ва ҳар бир киши фойдаланиши лозим бўлган инсон ҳуқуқлари олий манбаси бўлиши мумкин эмас. Бундан ташқари, агар уларни аниқлаш, баҳолаш ва кафолатлаш жамоатчилик онгига боғлиқ бўлса, инсон ҳуқуқлари тушунчасига нисбий характер берилади.

Ҳаттоки инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш, тенглик ва ижтимоий таъминот каби асосий ҳуқуқлар билан боғлиқ тушунчалар ҳам уларга шак-шубҳасиз, белгиланган вақтда, белгиланган жойда ва турли шароитларда шаклланидиган жамоатчилик онги киритадиган мазмундан келиб чиқиб нисбий қимматга эга бўлиши хавфлидир.

«Жамоатчилик онги» иборасидан фойдаланиш замон ва макондан қатъи назар нормал инсон онги кўзда тутилган ҳолларда оқланган бўлади. Лекин бунда биз бу ерда гап инсонда аввалги ваҳийларни яқунлаган ва бекор қилган Ислому, одамларга шариатга мувофиқ Аллоҳга сажда қилишни буюрадиган Ислому пайдо бўлгунга қадар бир-бирининг ортидан келган ваҳийлар орқали юқоридан тушган динлар қадриятлари инсонда шакллантирган онг ҳақида боради, деган хулосага келамиз.

1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси барча халқлар учун умумий намуна бўлиб хизмат қилиши лозим бўлиб, бу инсон ҳуқуқларига кўпроқ аҳамият қаратишга имкон берган бўларди.

У атиги биринчи қадам бўлиб, унинг ортидан ижро этилиши мажбурий бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро қонун ишлаб чиқиш келиши лозим.

БМТ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидан ўрин олган бандларни халқаро конвенцияга айлантириш учун саъй-ҳаракат қилган, натижада ижтимоий-иқтисодий ва фуқаролик-сиёсий ҳуқуқлар бўйича икки конвенцияни ишлаб чиқиш яқунланди. Бу конвенциялар 1966 йил 16 декабрда қабул қилинди, лекин ижро учун фақат 1976 йилга келибгина қабул қилинди.

Юқорида айтиб ўтилган иккита конвенциядан ташқари, инсон ҳуқуқлари масаласига қизиқиш бошқа бир қатор битимларда, масалан, ирқчиликни тугатиш ҳақида халқаро битимда, бола ҳуқуқлари ҳақида битимда, ишчи-муҳожирлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида битимда ўз

аксини топган. Бундан ташқари, халқаро даражада инсон ҳуқуқлари масаласи бўйича ишлар турли ташкилотлар, энг аввало, БМТ Бош сессияси доирасида олиб борилди. Бу ишда минтақавий ташкилотлар, масалан, Араб мамлакатлари лигаси ва Ислом конференция ташкилоти ҳам иштирок этган.

Халқаро ташкилотлар ўз фаолиятида инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш ва уларга турли мамлакатда риоя қилинишини назорат қилиш, мавзу бўйича тақдим этиладиган маъруза ва баёноتلарни ўрганиш билан шуғулланадиган мутахассислар комиссиясига таянади.

Халқлар даражасида ушбу масалага қизиқиш бир қатор ноҳукумат ташкилотлари ўзини кўрсатишига имкон беради. Уларнинг айримлари ролига ортиқча баҳо бериб юборилган, масалан, «Халқаро амнистия» ташкилотининг маърузалари шахсий манфаат ва тарафкашлиқдан холи эмас. Бу ташкилотларнинг камчилиги Европадан ташқаридаги халқлар ва мусулмонларнинг диний ва маданий-ижтимоий хусусиятларини билмаслиги ҳисобланади.

Бу ерда Ислом қонунчилиги ва ижобий ҳуқуққа, яъни инсон белгилаган қонунларга асосланган, инсон ҳуқуқлари масаласи яққол намоён бўладиган барча қонунчилик тизимлари ўртасидаги асосий ва жиддий фарқни кўрсатиш зарур.

Маълумки, Ислом қонунчилигида шариат барча ҳуқуқлар манбаси сифатида кўриб чиқилади ва унинг (шариатнинг) кўрсатмалари ва унинг универсал негизи доирасидан чиқадиган инсон учун аниқ белгиланган ҳуқуқлар йўқ. Шу тўғрисида шариат ҳуқуқнинг асоси, унинг манбаси, таянчи, ушбу ҳуқуқнинг мавжудлиги ва жамиятда ижро этилиш қафолати ҳисобланади.

Бироқ ижобий ҳуқуққа асосланган тасаввурда биз қарама-қарши нарсани ҳам учратамиз. Бу ерда ҳуқуқ –

қонуни ва қонунчиликнинг негизи ҳисобланади. Бу унинг моҳияти жамият ҳақиқий, тўғри деб ҳисоблайдиган, сўнгра унда қонун ва тизимга айланадиган ҳамма нарсанинг негизи ҳисобланади. Демак, ҳуқуқ бу ерда қонунийлик манбаси қандай бўлишидан қатъи назар, мавжуд ҳуқуқат томонидан белгиланадиган тизим ва қонуннинг асоси ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқ манбаси илоҳий қонун-қоидалар эмас, балки одамлар маълум бир вақтда ва маълум бир жойда у ёки бу жамиятда тўғри деб ҳисоблайдиган нарсалар ҳисобланади. Бунда ҳамма одамлар эмас, бу кўпчиликнинг қандай бўлишидан қатъи назар, фақат аҳолининг кўпчилиги шундай деб ҳисоблайди.

Биз, мусулмонларга келадиган бўлсак, ҳуқуқларни белгилаш учун умумий ва оддий мезонга, чунончи, дин ва эътиқод асосидаги ҳамма нарсалар унга бўйсунадиган мезон саналган илоҳий қонунга эга бўламиз.

Ижобий ҳуқуққа асосланган тизимлардаги қоида умуман бошқача бўлиб кўринади, чунки унинг асосида ҳуқуқлар белгиланадиган мезон табиатан нисбий, замона ва макондан, турли диний ва маданий меросдан келиб чиқиб, турли ўзгаришлар таъсирига учрайди. Бу турдаги мезон ҳақида баҳслашиш, муҳокама қилиш, жамиятда мавжуд шароитлардан келиб чиққан ҳолда тасдиқлаш ёки инкор қилиш мумкин. У бир жамиятда асос сифатида қабул қилиниши, бошқа бир жамият эса уни маъқулламадлиги ёки худди шу жамият бошқа вақтда тасдиқламадлиги мумкин.

Одамлар томонидан яратиладиган тизимлар инсон ҳуқуқларини жамоатчилик онги билан боғлаган ҳолда бу нисбийликдан қочишга қанчалик ҳаракат қилмасин, бу онг исталган ҳолатда ҳам замон ва макондан келиб чиқиб шакллантирилади, айниқса, «жамоатчилик» сўзи бу маънода бутун инсоният жамиятига алоқадор бўлиши лозим бўлган бўлса, лекин реал воқеликда бундай қоида шу пайтгача мавжуд бўлган эмас.

Шу билан бир пайтда, инсонлар ҳамжиҳатлигининг ушбу тамойили асослари Қуръони каримда келтириган, деб таъкидланади Исломда. Аллоҳ таоло айтадики: “Эй одамлар! Биз сизларни бир эркак ва аёлдан яратдик ва сизларни ўзаро танишишингиз учун халқлар ва қабилалар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлигингиз энг тақводорингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир” (Ҳужурот сураси, 13)

Исломга мувофиқ, бутун инсоният битта руҳдан яратилган, бу ҳақида Аллоҳ таоло айтади: “Эй одамлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан унинг жуфтани яратиб, икковларидан кўплаб эркагу аёллар таратган Роббингиздан қўрқинглар...” (Нисо сураси, 1)

Ислом қонунчилигида асос ва негизнинг соғлом ва тўғрилиги яққол кўзга ташланиб туради. Исталган пайтда ва исталган жойда одамлар учун мўлжалланган шариат, Аллоҳнинг қонуни ҳуқуқнинг асоси ва манбаси ҳисобланади, бу эса ҳуқуқ на вақт, на жой ва турли мамлакатлардаги турли шароитлар билан чекланмаган манбага эга эканлигини англатади.

Исломий нуқтаи назардан ҳукумат ўзини ундан ҳимоя қилиши лозим бўлган одамлар билан қарама-қаршиликда иштирок этувчи томон бўлмаган ҳолда одамлар манфаатлари ҳақида қайғурадиган кафил, ишончли шахс ҳолатини эгаллайди, чунки бу ҳукумат шариат асосида ётадиган тамойиллар ва қоидалар мажмуи билан чегараланади.

Бу ғоя, чунончи, ҳукумат ишончилиги ва унинг одамлар олдида жавобгарлиги келиб чиқиши бўйича Исломий ҳисобланади ва унинг ўзи жамиятни ҳукумат билан ҳамкорлик қилишга мажбур этади.

Биз бу ерда шуни тасдиқлаймизки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси шаклан ва мазмунан фақат ғарб тамаддуни қадриятлари ва мафкурасини ифодалайди ва Декларацияда баҳолаш ва мулоҳазалар учун

фойдаланиладиган асослар бу ҳолатни аниқлик билан топади. Масалан, "гуманизм" тамойилларига кўра, бу соҳада муҳим ҳисобланадики, ўлим жазоси кўринишидаги жазо инсон ҳуқуқларининг бузилиши сифатида кўриб чиқилади. Ушбу мезонга кўра, аёлнинг оила қуриш ҳуқуқи юз миллионлаб одамлар эътиқод қиладиган диний меъёрлар ва қоидалардан қатъи назар мутлақ характерга эга бўлиши лозим. Боз устига, жинсий бузқликлар учун жазо ҳам инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳисобланади.

Сир эмаски, бундай мезонлар жаҳон миқёсида маъқулланиши ёки ҳурмат топиши мумкин эмас, ахир тамаддунлар, маданиятлар ва ижтимоий меърос хилма-хиллиги, юқоридан туширилган қонунлар ҳақида эса гапириб ҳам ўтирмаймиз, мезонлар ва концепциялар ҳам хилма-хил бўлишини қаттиқ туриб талаб қилади.

Эҳтимол, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тамойиллари айримлар учун уларнинг олий қадриятлари нуқтаи назар мақбул келмайди. Бироқ, замонавий дунёда ижтимоий мерос шакллари ва маданияти хилма-хиллигини эътиборга олиб, доктриналар, баҳолаш мезонлари ва амалиёт меъёрлари нисбий бўлиши лозим, бу эса, ҳар бир давлатга ўзининг сиёсий тизимлари, унинг халқи манфаатларини, инсон кадр-қиммати борасида бу халқнинг маданий мероси ва қадриятларини ўз қонунлари ва қонунчилигини яратиш имкониятини бериш зарур демакдир, бу эса дунё халқлари тарихий ва ижтимоий мероси, маданияти, тамаддуни, динлар ўртасидаги фарқлар шароитларида инсон ҳуқуқларининг энг биринчи ва энг муҳим тамойилларидан ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, 1993 йил 14-25 июнь куни бўлиб ўтган Вена конференциясидаги мунозараларда кўплаб, айниқса инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий қадриятлар ва айрим тамойиллар иккинчи даражали бўлиб қолиши, кўплаб давлатларнинг сиёсий мақсадлари ва манфаатларига дуч келганда инсон ҳимоясини

таъминламаслиги сабабли аниқлаш ва баҳолашдаги иккиюзламачи стандартлар ва доктриналар ҳар хиллиги кўрқитадиган ривожланаётган давлатлар соғлом мантиқига розилик намойиш этдилар. Бошқа томондан, бу тамойиллар ва қадриятлар буюк давлатларнинг сиёсий манфаатларига мос тушганда айрим давлатларга қарши қурол сифатида фойдаланилади. Бугунги кунда кўплаб Ислом муаммоларига, масалан, Босния ва Герцеговина, Кашмир, Фаластин муаммосига нисбатан мулоҳазалар ва амалиётда мезонлар иккиюзламалигини кузатиш мумкин. Мезонлар диний мутаасиблик, ирқчилик ва манфаатлардан келиб чиқиб фарқланади.

Шуниси афсусланарлики, жаҳон ҳамжамиятини даҳшатга солган инсон ҳуқуқларининг бузилиши буюк давлатлар томонидан адолатли баҳоланмади, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бу халқларга қарши тажовузкорликни бартараф этишги интилиш кузатилмади. Бунинг ажабланарли жойи ҳам йўқ, чунки бу давлатларнинг оммавий қирғинларга, одамларнинг отабоболари яшаб келган жойлардан қувғин қилинишига, аёлларнинг зўрланишига нисбатан позицияси бу давлатларнинг сиёсий манфаатлари доирасидан чиқмаган.

Ҳатто «Халқаро амнистия» каби машҳур ноҳукумат ташкилотлари ҳам ноаниқ, тушунарсиз айблашлар билан чекланган ва худди Африка ёки Осиё давлатида бир рўй берган воқеага каби иштиёқ билан бу даҳшатли жиноятлар айбдорларини таъқиб қилишни рад қилдилар.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ИСЛОМ МАКТАБИНИНГ АСОСЛАРИ

Дастлаб дин ва қонунчилик масалалари бўйича мутахассис бўлмаганларга нотаниш бўлган муҳим бир ҳақиқатни кўрсатиб ўтиш зарур. Боз устига, бу масалага ҳатто айрим мутахассислар, айниқса, ғарб фикри таъсири остида бўлган мутахассислар ҳам эътибор қаратмайди. Гап шундаки, ғарб мафкурасида дин, янги пайтдан бошлаб, аста-секинлик билан жамият ва шахслар ҳаётидан чиқиб кетмоқда, унинг ягона соҳаси фақат одамни унинг Худоси билан алоқаси эканлигига ишонч ўсмоқда ва унинг жамиятни тузатиш соҳасидаги таъсири иккинчи ўринга тушиб қолмоқда.

Ўрта асрлар Европасида юзага келган тарихий ва сиёсий шароитлар туфайли 1789 йил Француз инқилоби ғалабасидан сўнг черковни давлатдан ажратиш тамойили устунлик қилган. XX аср бошида, бу сафар марксизм томонидан жамиятни диндан ажратиш борасида жиддий ҳаракатлар амалга оширилди, лекин пировардида мафкура ва амалиётда муваффақиятсизликка учради.

Ғарб мафкурасининг динга муносабати динни таърифлашда яққол намоён бўлади. Ғарбда динни одамлар ҳаётидан чиқариб ташлаш ёки уни ғоявий жиҳатдан одамлар учун чалкаш ва тушунарсиз қилиб қўйишга интиладиган ҳар қандай фикрлар учун яроқли бўлган ўнлаб таърифлар фойдаланилади. Бундай ҳолат Исломда тушунарли ва деталлаштиришни талаб қилмайдиган сабабларга кўра мутлақ рад қилинади.

Саудия Арабистони уламолари Европанинг айрим йирик ҳуқуқшунослари билан учрашуви вақтида инсон ҳуқуқлари масаласида дин тушунчаси борасида фикрлар қарама-қаршилиги вужудга келди. Гап шундаки, йигирма йилдан ортиқ вақт давомида Европалик йирик қонуншунослар ва мафкурачилар Саудия Арабистонининг Париждаги

элчихонаси орқали Ислонда инсон ҳуқуқлари концепциясини чуқур кўриб чиқиш мақсадида Қироллик уламолари билан учрашиш истагини билдириб келган.

Ҳижрий 1392 йил сафар ойида (1972 йил март) Қироллик Адлия вазирлиги учта симпозиум ташкил қилиб, уларда Саудия Арабистони манфаатларни Адлия вазири, шунингдек, бир нечта уламо ва Қироллик университетлари ўқитувчилари ифодалаган. Европа томонидан тўрт нафар йирик ҳуқуқ профессори иштирок этган:

1. Ирландия собиқ ташқи ишлар вазири, Европа қонунчилик комиссияси Бош котиби.

2. Ислон тадқиқотлари билан шуғулланадиган шарқшунос ва профессорлардан бири.

3. Умумий ҳуқуқ соҳасидаги профессорлардан бири ва Францияда чиқадиган, инсон ҳуқуқлари соҳасига ихтисослашган халқаро журнал ношири.

4. Париж апелляция судининг бош адвокатларидан бири.

Форум ҳужжатларида айтилишича, Европа томони улар фикрига кўра нозик саналган бир нечта савол берган. Бироқ саудияликлар уларни олқишлаган ва жавоб беришга тайёрлигини айтган.

Бу саволларнинг қисқача мазмуни

1. Саудия Арабистони Қуръони каримни Қироллик қонунларининг асоси ва конституциясининг негизи сифатида қабул қилган. Бироқ Қуръони карим бундан 14 аср олдин пайдо бўлган ва бу, европаликлар фикрига кўра, эътиборга олинмиши лозим.

2. Қуръонда ёдга олинадиган ўлим жазоси, қўлоёқларни чопиб ташлаш ва дарра уриш каби жазолар.

3. Аёллар масаласи.

4. Касаба уюшмалар тақиқланганлиги ва конституция (бошқарув тизими) тузишни рад қилиш.

Меҳмонлар ҳозирги кунда қонуншунослар уларнинг мавжуд эмаслигига қарши чиқадиган апелляция судлари Қиролликда мавжудлиги ҳақида савол беришган.

Саудияликлар учун бу саволлар қўйилиши европалик олимларга асл Исломий тушунчалар моҳияти нимадан иборат эканлигини кўрсатиш учун имкон бўлди. Бу ажойиб ташвиқот акцияси бўлди, чунки кўплаб ғарб олимлари ва мафкурачилари Ислом ҳақида, унинг асослари, урф-одатлари, расм-русумлари, тушунчалари ва юқори мақсадлари ҳақида, айниқса, одамларни ҳақиқий илоҳий йўлдан ажралган ҳолда ишонтиришга интиладиган ғарб кучли жаҳон сезадиган масалаларда билимлар олади. Биз айтиб ўтганимиздек, бу одамлар инсон ҳуқуқлари масаласида дин учун жой қолдирмайди ва улардан тўлалигича юз ўгиради. Уларда инсон ҳуқуқларини инсон ўзи учун белгилаб олади. Шунда юзага келиши муқаррар бўлган қийин савол юзага келади, чунончи, ҳамма қонунчилик тизимлари ҳуқуқ инъом этадиган олий ҳукуматни белгилаб беради, бу ҳуқуқлар оладиган ва фойдаланадиган шахсларни белгилаб беради.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, шунга асосланган ҳолда, бу ҳуқуқлар манбаси жамоатчилик онги ҳисобланади. "Онги" сўзи ноаниқ маънога эга, «жамоатчилик онги» иобрасига келадиган бўлсак, аслида унинг мавжудлиги ҳақида фақат тахмин қилинади, холос.

Учрашув давомида Қироллик уламолари мусулмонлар ва бошқа дин вакиллари, бир томондан, шариатда белгиланган доимий ва умумий тамойиллар, иккинчи томондан эса хусусий қарорлар (маълум масалалар) ўртасида тафовутлар ўтказган ҳолда дин тушунчасига нималар киритишини тушунтириб бердилар. Билимдонларнинг тушунтиришича, шариатда белгиланган жиддий ва майда жинойтлар учун жазолар тизими одамлар ҳаёти, ор-номуси ва мулкига тажовузлар ва жинойтчилик

даражасини минимал ҳолатга туширадиган жиноят ҳуқуқи соҳасида оқилона сиёсат ҳисобланади.

Юқори малакали уламолар ва дин тарғиботчилари томонидан Ислом дини асосларига, унинг шариати ва қадриятларига зид келадиган мафкурага қаршилик кўрсатиш мақсадида амалга оширилган бу ташвиқот акцияси европаликларни шариат ва унинг доирасида инсон ҳуқуқлари ҳақида эшитганидан қойил қолди.

Делегация раҳбари жаноб Мак-Брайт айтганидек: «Инсон ҳуқуқлари ҳақида айнан шу ердан, шу Ислом мамлакатидан баёнот бериш керак, бошқа жойдан эмас. Ислом олимлари жаҳон ҳамжамиятига маълум бўлмаган, уларни билмаслик Ислом, мусулмонлар ва Исломий бошқарувни бузиб кўрсатишнинг сабаби бўлган бу ҳуқуқлар ҳақида баёнот беришлари зарур».

Европа делегациясининг бошқа бир аъзоси айтдики: «Мен, насроний, маълум қиламанки, бу мамлакатда дарҳақиқат Худога сиғинишади ва мен жаноб илоҳиётчиларнинг инсон ҳуқуқларига оид Қуръон қоидалари, мен улар ҳақида эшитган ва уларнинг амалиётда қандай татбиқ этилишини кўргандан кейин, шубҳасизки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидан утунлик қилади деган фикрига тўлиқ қўшиламан».

Бундай симпозиумларда инсон ҳуқуқларига Исломий қарашлар ўзига хос характерининг жиҳатларидан бири ёрқин намоён бўлади.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ИСЛОМ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БОШҚАЛАРДАН АЖРАТИБ ТУРАДИГАН ХУСУСИЯТЛАР

Биринчидан, Исломда инсоннинг ҳар қандай ҳуқуқи Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васаллам суннатида ва Қуръонда қайд қилинган шариат меъёрларида қарор топган нарсаларнинг натижаси ҳисобланади, инсон ҳуқуқлари билан ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий соҳаларда тадқиқотларни узоқ муддатли ривожлантириш ва жадаллаштиришдан кейин ҳозирги босқичида танишган европача фикрлашда натижаси эмас.

Қуръони каримда одамларга иззат қилингани ҳақида оят бор. Аллоҳ Таоло айтдики: “Батаҳқиқ, Биз Бани Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик” (Исро сураси, 70). Кўп асрлар ўтгач, худди шу ибора преамбуласи «инсонлар жамияти барча аъзоларининг қадр-қиммати» сўзларидан бошланадиган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ҳам киритилди.

Иккинчидан, ўз-ўзидан ирқи ва танасининг рангига қараб ҳар қандай тафовутларни инкор қиладиган Одам Ато авлодларидан бўлган инсон ҳуқуқлари шариатда Ислом қонунчилиги тизимининг бир қисми сифатида намоён бўлади ҳамда унинг диний таълимоти ва ахлоқий тамойиллари билан чамбарчас боғлиқ. Инсон ҳуқуқлари нафақат у ёки бу ҳуқуқ ва унинг кафолатларини, балки уни бузгалик учун кўзда тутилган жазони ҳам кўзда тутадиган Қуръон ва Суннат қоидалари билан кафолатланади.

Шундан кейин, ҳаёт ҳуқуқи кафолатланади: “Аллоҳ ҳаром қилган жонни ўлдирманг. Магар ҳақ ила бўлса, майли...” (Анъом сураси, 151).

Бу ҳуқуқни бузганлик учун жазо қўйидаги тарзда белгиланади: “Эй иймон келтирганлар! Сизга ўлдирилганлар учун қасос фарз қилинди...” (Бақара сураси, 178). Жазо фикҳ бўйича китобларда батафсил баён

қилинган ва жамиятнинг ҳам, алоҳида шахснинг ҳам ҳуқуқларини кафолатлайдиган шариатда аниқ белгилаб қўйилган шартларига мувофиқ амалга оширилади.

Худди шу тарзда жамиятда ўзаро ёрдам ҳақида Аллоҳ таоло каломида ҳам келтирилган: “Уларнинг молу мулкларида мвълум ҳақ бордир. Сўровчи ва бечоралар учундир” (Маъориж сураси, 24-25). Ислом арконларидан бири бўлган закот ҳақида кўрсатмалар Ислом жамиятида ижтимоий ўзаро ёрдам кўрсатишни амалга ошириш мақсадлари учун мўлжалланган маблағларни кўрсатади ва белгилаб беради. Қуръони каримда Аллоҳ таоло жамият бойлиги ҳисобига уларни маблағлар билан таъминлаш ҳуқуқига эга бўлган одамлар кўрсатилган: “Албатта, садақалар фақирларга, мискинларга, садақа ишида ишловчиларга, кўнгилларини улфат қилинадиганларга, қул озод қилишга, қарздорларга, Аллоҳнинг йўлига ва йўл ўғлиларига берилиши Аллоҳ томонидан фарз қилингандир. Аллоҳ билгувчи ва ҳикматли зотдир” (Тавба сураси, 60).

Шариатда одамлар ўртасидаги тенглик ҳуқуқи ҳам белгилаб қўйилган, чунки Қуръони карим одамларнинг бир-биридан устунлик мезони этиб тақводорликни, яъни Аллоҳдан кўрқиш ва бунинг натижасида эзгу ишлар қилиш мажбурияти ётади. Аллоҳ таоло айтадики: “...Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлигингиз энг тақводорингиздир...” (Ҳужурот сураси, 13). Аллоҳ одамларни ирқий мансублиги ва танасининг ранги бўйича бир-биридан афзал кўришни тақиқлайди. Кўзга кўринган саҳобалардан бири бошқасига қарата «Ҳой, қоратанли!» деб мурожаат қилганида Пағамбаримиз Муҳаммад сололлоҳу алайҳи васаллам бу иборани жоҳилият қолдиқлари, яъни фақат жамият қоқоқлиги ва нодонлигига ботиб қолганлар учун яроқли бўлган Исломдан олдинги мезонлар ва қадриятлар сифатида тавсифлаган. Шунда саҳоба юзини ерга босиб, хафа қилган кишидан кечирим сўраган.

Учинчидан, Қуръон нозил бўлган пайтдан бошлаб инсон қадр-қиммати умумий шиор эмас, Ислом диний таълимоти ва ахлоқининг таркибий қисми ҳисобланган қонунчилик тизими бўлган. Ушбу тизимнинг муҳим ажратиб турадиган жиҳати шундаки, у жамият барпо этишда умумий назарияга таянади.

Инсон қадр-қиммати Исломда Аллоҳ яратган энг муносиб мавжудот сифатида кўриб чиқилиши энг муҳими ҳисобланган далиллар йиғиндисига таянадиган инсон ҳуқуқлари орасида аввалбошдан энг муҳими ҳисобланади. У Аллоҳ томонидан яратилиш бахтига муяссар бўлган. Аллоҳ Таоло айтадики: “Бас, қачонки уни тўғрилаб бўлганимда ва ичига Ўз руҳимдан пуфлаганимда, унга сажда қилган ҳолингизда йиқилинг” (Хижр сураси, 29). Аллоҳ таоло Одам атони барча исмларга ўргатган: “Ва У зот одамга исмларнинг барчасини ўргатди, сўнгра уларни фаришталарга рўбарў қилди. Кейин: “Агар ростгўйлардан бўлсангиз, аनावиларнинг исмларини Менга айтиб беринг”, деди.” (Бақара сураси, 31).

Қуръони карим оятлари шундан далолат берадики, инсон ташқи кўриниши ва шакли бўйича энг мукамал ва яхши суратдаши мавжудот саналади: “Батаҳқиқ, Биз инсонни энг яхши суратда яратдик.” (Тийн сураси, 4). Жуссаси заиф бўлган бу одам бу дунёнинг ўзаги қилиб белгиланган: “Ва инсон заиф яратилгандир.” (Нисо сураси, 28). Инсон иродаси ва онги бор мавжудот бўлиб, Аллоҳ ердаги ва осмондаги ҳамма нарсани бўйсундириб қўйган: “Ва сизга осмонлардаги нарсаларни ва ердаги нарсаларни—ҳаммасини Ўз томонидан бўйсундириб қўйди.” (Жосия сураси, 13)

Қуръони каримнинг кўплаб оятлари шуни кўрсатадики, қуруқлик, денгизлар, ўсимликлар ва ҳайвонлар, Коинот унинг ҳаракати ва тартиби билан, кундузи ва кечаси инсонга бўйунади; кўёшнинг, ойнинг, юлдузлар ва сайёраларнинг ўз орбитаси бўйлаб ҳаракати – буларнинг

барчаси Аллоҳнинг инсонга марҳамати ва Унинг қудрати аломати ҳисобланади.

Шундай қилиб, Аллоҳ одамларга иззат кўрсатиши оддий бир шиор эмас, аввалбошдан Исломга хос бўлган ҳисобланади ва бунинг исботини Қуръони каримнинг ўнлаб оятларидан топиш мумкин бўлади.

Инсон туғилган пайтдан то унинг ўлимигача қадр-қимматга эга бўлади. Инсон туғилган пайтдан бошлаб ота-онаси учун Аллоҳнинг марҳаматига айланади ва шу сабабли у яшашга, инсонлар жамиятида барча ҳуқуқлардан фойдаланишга муносиб ҳисобланади. Инсон ўлгандан кейин ҳам унга ҳурмат бажо келтирилади: у ювилади, жанозаси ўқилади, одамлар Аллоҳдан марҳумга раҳм-шафқат қилиш ва унинг гуноҳларини кечиришни сўрайди. Ислом инсон танасига тегишни тақиқлайди, ҳаттоки у ўлган ва ҳеч нарсани ҳис қилмай қўйган ҳолда ҳам унинг танасига зиён етказишни тақиқлайди.

Инсон туғилган пайтдан бошлаб бутун ҳаёти давомида ва ўлгандан кейин ҳам Аллоҳ унга тақдим этган қадр-қиммат ҳурматига Пағамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васаллам ўлган одамнинг суякларини майдалашни тақиқлаган.

Ислом – инсон қадр-қимматини илгари одамлар қабул қилган ҳужжатлардан аввал тасдиқлаган ягона диний таълимот ҳисобланади, ахир ҳар қандай хартиялар пайдо бўлишидан 14 аср муқаддам мусулмонлар инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш ҳуқуқидан фойдаланарди.

Аллоҳ ирқи, танасининг ранги ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, одамларнинг ҳаммасига иззат кўрсатилишини талаб қилган.

Шариат шунингдек, мусулмон мамлакатларда яшайдиган ғайридинлар ҳуқуқларини ҳам тартибга солади ва уларнинг яшаш ҳуқуқини, то улар Ислом жаиятидан ташқарида итнч ҳаёт кечирар экан ёки мусулмонлар

жамиятида шартнома асосида яшар экан, уларнинг руҳи, танаси, ор-номуси ва мулки дахлсизлигини кафолатлайди.

Буларнинг барчаси Қуръони карим оятларида, суннат ва фикҳ бўйича китобларда келтирилган изоҳларда баён қилинади.

ҲУҚУҚ ҒОЯЛАРИ БОРАСИДА ИСЛОМ ВА ҒАРБ ФИКРИ ЎРТАСИДА ТАФОВУТЛАР

Йигирма биринчи асрда атамашунослик турли атамаларга киритилган мазмун ва тушунчаларни тадқиқ этишга таъсир кўрсатадиган катта ахборот-сиёсий кучга эга бўлмоқда. Муслмонларда "Одам Ато фарзандлари ҳуқуқи", шунингдек, "жамоат ҳуқуқи" иборалари мавжуд. Бундан ташқари, муслмонлар Аллоҳ ҳуқуқлари ва Унинг бандалари ҳуқуқлари ҳақида очиқлик билан гапирадилар, улар эса моҳиятан ғарбнинг «инсон ҳуқуқлари» халқаро атамаси билан таққослаганда мазмуни ва тушунчалари бўйича тўғрироқ ва тўлиқроқ ҳисобланади. Бироқ буларнинг барчаси атамадан фойдаланишга ҳалал бермайди ва тушунчалар одамлар учун аниқ ва тушунарли бўлиши шартларида уларни эсдан чиқариш учун асос саналмайди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳужжатларда ифодаланган тамойиллар инсон уларнинг кўпидан фойдаланишга лойиқ эканлигини инкор қилмайди. Ислом нуқтаи назаридан на инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш борасида инсон ҳуқуқларини рад қилиш, на уни эркинлик, тенглик ва у яшаётган жамият ҳаётида иштирок этишдан маҳрум қилиш мумкин эмас.

Бироқ Ислом нуқтаи назаридан талаб қилинадик, бу тамойилларга киритилган тушунчалар аниқ ва қонун кўринишида қайд қилинган бўлиши лозим. Ҳозирги пайтда асосий инсон ҳуқуқлари саналган айтиб ўтилган ҳуқуқлар уларнинг аксариятини четга чиқариб ташлаган ҳолда рад қилиб бўлмайдиган умумий шиорлар ҳисобланади. Қарама-қаршилиқлар энг аввало, бу ҳуқуқлар қанчалик кенг эканлигига алоқадордир.

Ҳуқуқ ғоясининг ўзига Ислом фикри ва дунёда ҳукмрон саналган юридик-ҳуқуқий қарашлар ўртасида фарқ бор. Ахир муслмонларда "Ҳақ" бу Аллоҳ Таолонинг исмларидан

бири ва Қуръон нозил қилинган араб тилида бу доимий кўрсаткич, константа ҳисобланади («ҳақ» - ҳуқуқ; ҳақиқат; асл). Барча мусулмонлар ихтиёри, улар Исломни қабул қилиши билан, Аллоҳ таолодан ўзгага бўйсуннишдан озод қилиниши лозим ва ягона Аллоҳ таолога хизмат қилиш шундан бошланади.

Шариат эркинликнинг бу соҳасини ҳам тартибга солиб, Аллоҳ таолога бўйсуннишдан, Унинг амри ва тақиқларидан келиб чиқиб қўллаиди.

Исломий тушунишда Аллоҳ таоло – Яратувчи ва Холиқ, “Ҳукм фақат Аллоҳнинг ўзига хосдир” (Анъом сураси, 57) қарори фақат Унга тегишли эканлиги исботсиз қабул қилинадиган ва бошқа даъволарнинг исботи учун асос қилиб олинадиган ҳақиқат ҳисобланади.

Шундай қилиб, шариат барча ҳуқуқларни белгилаб беради, уларнинг соҳаларини тушунтиради ва уларнинг чегараларини белгилаб беради. Мусулмонлар учун шариат кўрсатмаларида, универсал меъёрлар ва асосларда белгилаб берган нарсалар тан олинган ҳуқуқ ҳисобланади.

Бу ҳуқуқларнинг чегаралари, уларни қўллаш шартлари, уларнинг йўналишлари ва аниқ тушунчалари Ислом қонунчилиги доирасидан чиқмайди.

Қисқаси, Исломий тушуниш секуляризм тамойилини қабул қилган давлатлар ва жамиятларда динни давлатдан ажратгандан сўнг уни ҳаётдан ҳам ажратишга доимий интиладиган ғарб фикридан тўлиқ фарқ қилади

Бошқача қилиб айтганда, у ерда бу дунёдан ташқарида нималар мавжудлигига эътибор қаратилмайди, чунки улар учун инсон ҳаёти дунёвий ҳаёт ҳисобланади ва уларнинг қарашлари, фикрлари ва ишлари фақат шунга қаратилади.

У ерда ким ҳуқуқ инъом этади, уларнинг чегараларини белгилаб беради ёки мазмунини тушунтириб беради деган савол беришга эҳтиёж йўқ: албатта, бу ҳокимиятга эга бўлган шахсдир.

Ғарб нуқтаи назаридан, одамларга бу ҳуқуқларни инъом қиладиган олий ҳукумат мавжуд деб тахмин қилишга сабаб йўқ, чунки уларни одамнинг ўзи беради, ҳуқуқ чегараларини ҳам ўзи белгилайди ва бу ҳуқуқлардан ўзи фойдаланади.

Ҳуқуқларнинг барчаси субъект ва объектни ўз ичига олиши сабабли, табиийки, ҳуқуқни берадиган шахс ҳам, ҳуқуқни оладиган шахс ҳам бўлиши лозим. Юқорида айтиб ўтилганидек, замонавий европа мактаби шундай хулосага келдики, бу ҳуқуқларнинг манбаси жамоатчилик онги, яъни одамлар гуруҳи ҳисобланади ва буларнинг барчаси барча одамларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиш мақсадини кўзлайди. Албатта, буларнинг барчаси диний мулоҳазаларни ҳисобга олмасдангина эмас, аксинча, атайин уларни бартараф қилиш учун амалга оширилади.

Шариатга келадиган бўлсак, у ҳамма мусулмонлар учун ҳуқуқнинг асоси, унинг манбаси ва жамиятда мавжуд бўлишининг гарови ҳисобланади.

Ғарб фикрида нималар кузатамиз? Жамият ижро этадиган қонуннинг негизи бу ерда одам – устунлик қиладиган шахс, ҳукумат ёки жамоатчилик онги ўзига берадиган ҳуқуқ ҳисобланади. Жамият ёки унинг тепасида турадиган ҳукумат инсон бирон-бир иш билан шуғулланиш ёки маълум бир эркинликдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини кўрадиган бўлса, бу шахс учун ҳуқуқ ва қонунга айланади. Демак, инсон ўзи учун мақбул келадиган деб ҳисоблайдиган ҳуқуқ бошқарув тизимининг асоси ҳисобланади.

Бу мафкура давримизнинг моддий стандартлари юқорилиги билан ажралиб турадиган кўплаб Европа давлатларида юқоридан юборилган илоҳий динлар ва инсон феъл-атвори рад қиладиган ҳаракатлар ечимга олиб келган.

Масалан, вояга етганлар ўртасида жинсий бузуқликлар (Буюк Британияда бўлгани каби), бир жинсдаги шахслар

Ўртасида никоҳлар (Шимолий Европанинг айрим мамлакатларида рухсат этилган) рухсат этилган, никоҳсиз туғилган болалар никоҳда туғилган болалар билан ҳуқуқлари тенглаштирилган.

Инсон ҳуқуқлари унга асосланадиган ва уларга мувофиқ баҳоланадиган, қонунга айланадиган жамоатчилик онгининг фикри шундай бўлган.

Келгусида биз Ислон нуқтаи назаридан инсон ҳуқуқлари асосий тушунчаларини қисқача баён қиламиз, хусусан, халқаро ва ахборот нуқтаи назаридан «инсон ҳуқуқлари» номи остида намоён бўладиган шиорлардан фарқ яққол кўриниб туриши учун яшаш ҳуқуқи, танаси, онги, орномуси дахсизлиги, эркинлик, тенглик ва ўзаро ёрдамга эътибор қаратамиз.

Ислон инсон ҳуқуқларини, шунингдек, шахс ва жамият манфаатларини ҳимоя қиладиган ва инсон қадр-қимматига ҳурматни таъминлайдиган ҳозирги тушунишда таърифлайди. Бу ҳуқуқлар шариат ва унинг меъёрлари томонидан ҳар бир кишига, унинг ирқи ва танасининг рангидан қатъи назар, кафолатланади.

ЯШАШ ҲУҚУҚИ, ТАНА, ОНГ ВА ОР-НОМУС ДАХСИЗЛИГИ

Ислом нуқтаи назаридан инсон энг муносиб ва олижаноб мавжудот бўлиб, Аллоҳ таоло ердаги ва осмондаги бор нарсаларни унга бўйсундириб қўйган, унга онг ва фикрлаш қобилиятини инъом этган.

Инсон қадр-қиммати ҳақида тасаввур Исломда мукамал назарияга таянади ва бу уни чегараланган ғарб концепциясидан фарқлаб туради. Бу қадр-қимматнинг сабаблари ва мазмуни аниқ, чунки осмонда ва ерда бўлган ҳар нарса инсонга хизмат қилиш учун қўйилган.

Шу тугайли бир шахснинг қиммати бутун инсоният тури ҳаёти ва унинг давом этишига тенгдир. Аллоҳ таоло айтадики: «Шунинг учун ҳам Бани Исроилга: «Ким бир жонни ноҳақдан ёки ер юзида фасод қилмаса ҳам ўлдирса, худди ҳамма одамларни ўлдирган бўлади. Ким уни тирилтирса, худди ҳамма одамларни тирилтиргандек бўлади», деб ёздик» (Моида сураси, 32). Инсон ҳаётига, унинг танаси ва ор-номуси дахлсизлигига тажовуз ҳисобланган ёки унинг ҳуқуқларини камситадиган барча ҳаракатлар, масалан, қийноққа солиш, тириклигида унга қарши моддий ёки маънавий жиҳатдан зиён етказишга қаратилган ҳаракатлар, унинг ўлимидан кейин, ҳатто уруш пайтида ҳам мурдасини таҳқирлаш каби ҳаракатлар тақиқланади, чунки инсонга ҳурмат унинг ўлимидан кейин ҳам кўрсатилиши лозим.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқини асраш учун Исломда фақат ҳақиқат учун ва ҳимоя қилиш йўлида, фақат огоҳлантирган ва урушни очиқ эълон қилган ҳолдагина уришишга қонун билан руҳсат этилади.

Ислом ирқий ёки миллий мурасасизлик ёки ўлжа учун уруш олиб боришни тақиқлайди. Ислом ҳарбий ҳаракатларга чекловлар белгилаган ва ўзини Аллоҳга хизмат қилишга бағишлаган одамлар, аёллар, болалар ва

қарияларни, агар улар уруш ҳаракатларида қатнашмаган бўлса, ўлдиришни тақиқлаган. Жанг майдонидан узоқда меҳнат қилатганлар, масалан, деҳқонларни, агар улар уруш ҳаракатларида қатнашмаган бўлса, ўлдиришни тақиқлаган. Исломда шунингдек, одамларнинг озиқ-овқат билан таъминланиши ҳақида ғамхўрлик қилган ҳолда, экин майдонлари ва чорвани нобуд қилиш ҳам тақиқланган.

Пағамбаримиз Муҳаммад соллоллоҳу алайҳи васаллам аёл кишини ўлдирган саҳобаларга қарата «У билан жанг қилмаслик керак эди» деб эътироз билдирган ҳолда жанг ҳаракатларини олиб бориш ахлоқи ва одоблилик борасида юқори намуна кўрсатган. Пағамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васаллам у билан душманлик ва уруш ҳолатида бўлган Макка аҳлига барча зарур озиқ-овқатлар жўнатган.

Инсон ҳаётига тажовузларнинг олдини олиш чораси сифатида шариатда етказилган зиёнга тенг жазо белгиланган: «Биз унда (Тавротда) уларга жонга–жон, кўзга–кўз, бурунга–бурун, қулоққа–қулоқ, тишга–тиш ва жароҳатларда қасос вожиб, деб ёздик» (Моида сураси, 45). Буларнинг барчаси Ислом қонунчилигида муфассал шартлар ва кафолатлар билан бирга келтирилган.

Инсон руҳини сақлаб қолиш учун Ислом унинг ҳаётига қасд қилишни тақиқлайди. Бу борада Аллоҳ таоло айтадики: «...Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг. Албатта, Аллоҳ сизларга раҳмлидир» (Нисо сураси, 29).

Одамга ўзини ҳалокатга дучор қилиш тақиқланади. Аллоҳ таоло айтадики: «...Ўзингизни ҳалокатга дучор қилманг...» (Бақара сураси, 195)

Онгни сақлаш учун Исломда май ишлаб чиқиш тақиқланади, чунки у соғлом фикрлашни йўқотишга ва идрок қилишнинг бузилишига олиб келиб, ақл-ҳушдан айиради, шунингдек, инсоннинг фикрлаш қобилияти сусайиши ва онгини йўқотишига олиб келадган ҳамма нарса тақиқланган. Мусулмон олимлар ақл-идрок ва

онгнинг қиммати ва уларнинг инсон ҳаётига таъсирини тушуниб етганлар.

Яшаш ҳуқуқи ҳамда тана ва ҳис-туйғу органлари дахлсизлигининг таркибий қисмларидар бири сифатида Исломда мусулмонларларга зиён келтирадиган ҳар нарсадан узоқлашиш талаб қилинади.

Исломда мусулмонларни қийноққа солиш, уларнинг қадр-қимматини ерга уриш, таҳирлаш ёки мазаҳ қилиш тақиқланади: "Эй иймон келтирганлар ! Бир қавм бошқасини масхара қилмасин, эҳтимол улар булардан яхшироқдир. Ва аёллар ҳам бошқа аёлларни (масхара қилмасин), эҳтимол улар булардан яхшироқдир" (Ҳужурот сураси, 11)

Ўлган кишини ювиб, кафанга ўраш, тиловат қилиш ва кўмиш лозим. Шариат меъёрлари инсоннинг руҳи, танаси, онги ва ҳис-туйғу органлари асралишини таъминлайди.

Афсуски, бу ерда Аллоҳ таоло ўзининг ердаги халифаси этиб тайинлаган инсон борлигини сақлаш ва ҳимоя қилишнинг барча жиҳатлар ҳақида батафсил гапиришнинг имкони йўқ: «Эсла, вақтики Роббинг фаришталарга: "Мен ер юзида халифа қилмоқчиман", деди» (Бақара, 30). Бу халифалик одамга нисбатан ҳурмат, эҳтиром ва Аллоҳ таолога хизмат қилиш мажбурияти, Одам Ато фарзандлари учун ерни ҳақиқат, эзгулик ва тинчлик билан қоплаш мажбуриятидан ўзга нарса эмасдир.

ИНСОН ЭРКИНЛИГИ

Эркинлик, Ғарбда шахслар ва одамлар гуруҳига ўз таъсирини кўрсатадиган сўз ғарб жамиятларида асрлар давом этган шафқатсиз кураш натижасидагина қарор топган маслак ҳисобланади. Европада одамлар илмий тараққиёт ва инсон эркинлигига ҳар қандай қилиб бўлсада қаршилиқ қилган феодал ҳукмдорлар ва руҳонийлар ҳукумати зўравонликларидан ўн йилликлар давомида ёзувчи ва файласуфларнинг гулкан саъй-ҳаракатлари ва эвазига эришганлар. Лекин шунга қарамай, "эркинлик" сўзининг маъноси ҳозиргача узил-кесил аниқлаштирилмаган.

Исломга келадиган бўлсак, бу ерда эркинлик инсон ҳаётнинг асоси ҳисобланади. Ислом нуқтаи назаридан шариат ҳуқуқнинг асоси ҳисобланади, лекин ҳуқуқ шариатнинг асоси эмас. Эркинлик ҳуқуқи Аллоҳ таолонинг ердаги ноиб сифатида инсон қадр-қиммати ва унинг миссиясига мос келадиган олижаноб ва юқори мақсадларга эришиш воситасидир.

Бунинг учун Ислом одамни Аллоҳдан ўзгага хизмат қилишдан, унинг руҳий эҳтиросларидан ва туғма хий-туйғулар инжиқликларидан озод қилди. Эркинлик, мусулмон олимларининг тушунишича, инсоннинг ҳаракат қилиш қобилиятидир, агарда унинг ҳаракатлари ўзига ёки бошқа одамларга зиён ёки зарар етказмаса. Ислом Аллоҳ таолодан ўзгага хизмат қилишдан одамни озод қилишга интилади, одамларни фақат Унга ишонишни, бошқа нарсаларга ишонмасликни талаб қилади "...Ҳолбуки, унга куфр келтиришга буюрилгандир" (Нисо сураси, 60).

Қулдорлик биронта тамаддун уни айланиб ўт олмаган иқтисодий тизим бўлгани сабабли, Ислом ундан озод қилиш учун фойдали восита қўллаган, чунончи, унинг доирасини шу қадар торайтирганки, қулларни озод қилиш учун барча шарт-шароитлар яратган ҳолда ҳалол жангда

эришилган ҳолда ҳам қуллик тузумини қўлламасликка имкон берган. «Қул» сўзининг ўзи араб тилида унга мурожаатда нозиклик ва раҳм-шафқатни намойиш этади ("ракик" – қул сўзи ундан келиб чиққан "р-к-к" ўзаги «хушмуомала, одобли бўлиш» маъносини англатади). Ислом қул ва унинг хўжайини ўртасида пул эвазига озод қилиш ҳақида шартнома тузишга рухсат этган. Аллоҳ Таоло бу борада айтадики: «...Қўлларингизда мулк бўлганлардан (озодлик) васиқасини истайдиганлари бўлса, бас, уларда яхшилик борлигини билсангиз, улар ила васиқа ёзинг» (Нур, 33).

Ислом айрим диний маросимларни бузганлик ёки хато бўйича одам ўлдириб қўйганлик учун жазо сифатида қул озод қилишни амр қилган. Ҳаттоки хўжайин томонидан ҳазил тариқасида ёки хато қилган ҳолда қулни озод қилиш ҳақида айтиши ҳам қулнинг ҳақиқатда озод қилинишига олиб келарди.

Бундай ҳолат ўтган асрда мустамлакачилик босқинчилиги ва талончилигига учраган мамлакатларда ҳақиқий қулдорлик мавжуд бўлган ҳолда эркинлик ҳақида сохта шиорларни таъминлай олмасди.

Бундан бир неча аср олдин европаликлар уларни плантацияларда текинга ишлатиш мақсадида юз минглаб африкаликларни куч ишлатиб қўлга олганди. Шуни айтиш кифояки, биронта Ислом давлатида қулчиликка асосланган тузум бўлмаган бир пайтда фақат АҚШ нинг ўзида қора танли аҳоли сони бир неча миллион кишини ташкил қилади.

Қуръони каримда умуминсоний ва ижтимоий қонунлар ҳақиқатини тушуниб етиш учун дунёга чуқур назар ташлаш, ақл-идроқдан фойдаланиш ва фикрлашга чақирилади: "Сен: «Ер юзида сайр қилинлар ва жинойтчиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солинлар», деб айт" (Намл сураси, 67). "Сен:«Ер юзида

сайр этиб юринглар ва махлуқотларни У зот аввал-бошдан қандай яратганига назар солинглар.” (Анкабут сураси, 20).

Амри-маъруф ва наҳйи-мункар бурчи бутун жамиятнинг бурчи ҳисобланади, олимлар ва нуфузли шахслар эса жамият диний бурчини адо этиши учун бу бурчни бажаришлари лозим: «Сизлардан яхшиликка чақирадиган, амри маъруф–наҳйи мункар қиладиган бир уммат бўлсин. Ана ўшалар, ўзлари нажот топгувчилардир» (Оли Имрон сураси, 104).

Мусулмонлардан улар умумий ишлар бўйича бир-бири билан маслаҳат қилиши ва кенгашиши талаб қилинади. Аллоҳ Таоло Пағамбар Муҳаммадга соллоллоҳу алайҳи васаллам мурожаат қилиб айтади: «улар билан ишларда машварат қил» (Оли Имрон сураси, 159).

Аллоҳ таоло Қуръони каримда унинг ахлоқий асослари ва ўзига хос хусусиятларидан бири кенгаш (шўро) бўлган мусулмонлар жамиятини мақтайди: “...ишлари ўзаро шуро ила бўлган” (Шуро сураси, 38). Агар мусулмон киши ҳукумат вакилларига маслаҳат берадиган бўлса, бунинг ҳеч қандай айби йўқ ва бу ҳақида ҳадиси шарифлар ҳам далолат беради:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам дедилар:

- Дин бу насиҳатдир.

- Ким учун? - деб сўрадик биз.

- Аллоҳ учун, Унинг китоби учун, Расули учун ҳамда мусулмонларнинг раҳбарлари ва оммалари учун! - деб жавоб бердилар Набий соллalloҳу алайҳи ва саллам. (Муслим ривоятлари).

Ўз фикрини ифода этиш воситасида муҳокамада иштирок этиш «шўро» кенгаши орқали кафолатланган бўлиб, у бутун мусулмонлар жамоатини унинг қарорларини бажаришга мажбур қилади, жамоатнинг ўзи эса Ислom йўл-йўриқларига ва кўрсатмаларига мувофиқ умумий ишлар борасида дўстона кенгашлар ва маслаҳатлардан фойда

олиш имконини берадиган маслаҳатга ҳар қандай йўллар билан мурожаат қилиши мумкин.

«Шўро» кенгашига келадиган бўлсак, Ислом унга катта аҳамият қаратади ва у ёки бу шакллар, тартиблар ва таомилларни лозим топадиган ҳукмдорларга унинг вазифаларини амалга оширишга олиб келадиган мажбуриятларни амалга оширишни юклайди.

Исломда дин асослари, Ислом арконлари, унинг кадриятлари ва чегаралари, шунингдек, умумий манфаатларига риоя қилиш шартларида сўз ва фикр эркинлиги чекланмаган.

Ижтиҳод, яъни юридик масалаларни олий даражадаги билимларга эришган шахслар томонидан ҳал қилиш ҳуқуқи нафақат рухсат этилган, балки диний ва дунёвий ишлар масалаларида зарур ҳамдир. Ишларни ҳал қилишнинг бу тажрибасидан Ислом қонунчилиги ёки дин асосларини бузадиган, Ислом ахлоқий кадриятларини поймол қиладиган ёки одамлар орасида ихтилоф юзага келтирадиган ва уларни йўлдан адаштирадиган нарсаларни истисно қилганда ҳеч нарса рад қилинмайди.

Сўз эркинлиги Ислом жамиятини ташкил қиладиган, унинг хатларини тузатадиган, тўғри йўлдан қандай бориш ва умумий ишларда қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкинлигини тушунтириб берадиган шариат меъёрлари блан тартибга солинади.

Ҳар қандай жамиятда сўз ва фикр эркинлиги, одамларнинг эътиқодлари қандай бўлишидан қатъи назар, одоб-ахлоқ кодекси ва дин-эътиқод асосларини бузадиган кишиларга нисбатан мутлақ бўлмаган.

Мутлақ эркинлик бу мутлақ анархиядир. Шариат эркаклар учун ҳам, аёллар учун ҳам ҳуқуқшунослар «фуқаролик эркинлиги» деб атайдиган ҳуқуқни кафолатлайди. Аёл киши тўлиқ ҳуқуқий лаёқатга эга, жумладан, мулккий нуқтаи назардан ҳам: у мулк билан боғлиқ ҳаракатларни ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга

ошириши, ўзига эр танлаши ва билан никоҳга рози бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Имом ибн ал-Қаййум (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: “Балоғатга етган, оқила қизнинг отаси қизнинг мулкани унинг рухсатисиз тасарруф қила олмайди”.

Шак-шубҳасизки, одамлар ўрнатган замонавий қонунлар шу пайтгача кўп асрлар мобайнида қўлланиб келаётган Ислом қонунчилиги даражасига етиб келмаган, чунки бу қонунлар аёлларнинг никоҳ тузилгандан кейинги ҳуқуқий лаёқатига чекловлар қўяди.

Эркинлик – инсонни моддий ва маънавий ҳаётган кўқларга кўтарадиган Исломда улкан қадрият, лекин шу билан бир пайтда манфаатлар ва ҳамжиҳатлик қўриқчиси бўлган ижтимоий ва ахлоқий феъл-атвор меъёрларидан чекиниш ҳисобланмайди.

Исломда ҳеч кимга жамиятда ёмон хулқ ва ғулғула солишга рухсат этилмаган, чунки эркинлик инсонга ёвузлик ва ёмон хулқни тарқатиш учун берилмаган ва бошқаларга зиён етказиш ёки жамиятни хавф остига қўйишга имкон бермайди.

Ахлоқсизлик, яхши фазилатларни поймол қилиш ҳамда ёлғон эркинлик учун инсон танаси ва руҳи қадр-қимматини писанд қилмаслик оқибатида азият чеккан мамлакатлар қанча.

Эркинлик – инсон ҳуқуқи, лекин у, бошқа ҳар қандай ҳуқуқлар каби, уни писанд қилмаслик мумкин бўлмаган ижтимоий функцияни бажариши лозим, у ўзига хос меъёрлар томонидан тартибга солинади ва маълум бир соҳада амал қилади.

ТЕНГЛИК

Одамлар ўртасида уларнинг жинси, танасининг ранги ва тилидан қатъи назар тенглик унинг муҳимлиги ва аёнлигига қарамай, одамларни уларнинг ижтимоий мавқеидан келиб чиқиб ижтимоий қатламлар ва синфларга бўлиш тамойили ҳукмронлик қилган қадимги Миср, Эрон ва Рим тамаддунида мавжуд бўлмаган Ислом шариатининг аввалдан белиланган тамойили ҳисобланади.

Қадимги жамиятларда одамлар ўртасидаги тафовутлар уларнинг жинси, танасининг ранги, бойлиги ва камбағаллиги, кучли ва кучсиз эканлиги, эркин одам ёки қул эканлиги билан белгиланган. Ҳукмдорлар ва руҳонийлар имтиёзли синф вакиллари ҳисобланган. Бундан ташқари, айрим жамиятларда, масалан, Ҳиндистонда, ҳалигача миллионлаб кишилардан иборат энг қуйи каста мавжуд; бунда ҳеч бир каста вакиллари, қанчалик кўп моддий бойликларга эга бўлишидан қатъи назар, юқори кастага ўта олмайди.

Янги даврда тенг ҳуқуқлилик ҳақида шиорни 1789 йил амалга оширилган Француз инқилоби кўтариб чиқди. Бироқ амалий тажриба инсонни шунга ўргатадики, агар мазмунни белгилаб берадиган, амалга ошириш йўлларини очиб берадиган ва ҳуқуқларни бузганлик учун жазо белгилайдиган жиҳатлар бўлмаса, қуруқ тамойил ва шиорларнинг ўзи етарли эмас. Ислом қонунчилигида одамлар ўртасида тенглик борасида айнан шуни учратамиз. Шариатга кўра тенгликнинг мазмуни белгиланган, амалга ошириш усуллари аниқ ва уни бузганлик учун жазо белгиланган – бу дунёда ҳам, нариги дунёда ҳам жазо тайинланган.

Одамлар ўртасида тенглик барча одамлар бу борада тенг бўлган инсон турига мансублик белгиси бўйича тенг ҳуқуқлиликни кўзда тутди. Бир-бирига ўхшаш бўлмаган одамлар ўртасида тенгликка олиб келадиган иккинчи

даражали ҳуқуқлар бўйича "арифметик" тенгликка келадиган бўлсак, у мазмунан Аллоҳ инсонга инъом этган ва доимий мустаҳкам тамойилларга, аниқ негизларга асосланадиган инсон моҳияти бўйича тенгликдан фарқ қилади. Аллоҳ таоло айтадики: «Эй одамлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан унинг жуфтани яратиб, икковларидан кўплаб эркагу аёллар таратган Роббингиздан кўрқинглар!» (Нисо, 1).

Шундай қилиб, одамлар бир жондан яратилган. Ҳадиси шарифларда бу тенглик асоси қуйидаги тарзда изоҳланади: "Ҳаммангиз *Одамдансиз. Одам* тупроқдандир". Тенглик борасида Ислоннинг асосий тамойили мана шундай бўлиб, у Қуръон оятларида белгилаб қўйилган ва Пайғамбаримиз Муҳаммад соллоллоҳу алайҳи васаллам суннатидан изоҳланган.

Одамлар яшаш жойи, вақти ва шароитлари бўйича фарқ қилиши сабабли дунёда хилма-хил ирқлар, тана ранглари, тиллар мавжуд, бойлик ва камбағаллик, билимдонлик ва нодонлик, одамларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳолатадиган фарқлар мавжуд эканлиги сабабли жамиятлар айрим одамларнинг бошқа одамлардан устунлигини белгилаш учун мезонлар киритиб, бунда айтиб ўтилган хилма-хиллик ва тафовутларни ҳисобга олади.

Устунлик мезонларини белгилаш зарур, чунки мутлақ тенглик фақат инсониятга тегишлилик маъносида ўринга эга бўлади. Ушбу мезонни белгилашда муаммо юзага келади, чунки у тенглик тамойилининг ўзини бузмаслиги ва устунликни адолатсизлик ва одамларни бир-биридан ажратиш учун эмас, балки ўсиш ва ривожланиш воситасига айлантириши лозим.

Шариатда куч ва заифлик, ижтимоий ва иқтисодий мақом, инсоннинг қайси синфга мансублиги, жинси ва танасининг ранги каби устунликнинг барча сохта мезонлари рад этилган.

Бу мезонларнинг барчаси қадимги жамиятларда ҳисобга олинган ва айрим қадимги файласуфлар ҳаттоки тенглик тамойилининг ўзини ҳам инкор қилган. Масалан, Афлотуннинг таъкидлашича, айрим одамлар ҳукмронлик қилиш ва бошқариш учун, бошқалар эса тобе бўлиш ва бошқаларга ишлаш учун яратилган.

Ислом одамларнинг ирқи, танасининг ранги, эркин одам ёки қул эканлигидан қатъи назар, устунлик мезонини, чунончи, тақводорлик ва Худодан кўрқиш мезонини ўрнатди. Аллоҳ таоло айтадики: «Эй одамлар! Биз сизларни бир эркак ва аёлдан яратдик ва сизларни ўзаро танишишингиз учун халқлар ва қабилалар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлигингиз энг тақводорингиздир» (Хужурот, 13). Бу ерда ҳар бир одам унгача кўтарилиши мумкин бўлган ва одамларни бир-биридан устун қиладиган синфларга бўлмайдиган мезон кўрсатилган. Бу инсонни олға қараб ҳаракат қилиш ва юксалишга ундайдиган мезондир.

Тақводорлик – инсоннинг буюк ва шавкатли Аллоҳ олдида кадр-қиммати мезонидир. Бошқа томондан, тақводорлик бу ҳаётда инсоннинг тақво мезони, ҳақиқий ва амалий мезони ҳисобланади, чунки дунёвий ҳаётда тақводорлик инсонни ўзи учун ва у яшаётган жамият учун на инсонга ва на жамиятга ҳеч қандай фойда келтирмайдиган бошқа биронта мезондан кўра яхшироқ қилади.

Ислом инсон ҳаёти ва жамиятни юксалтирадиган бу мезон билан уларнинг кўпчилиги ҳақида Қуръони каримда айтиб ўтилган барча сохта мезонларни чипакка чиқарди. Сохта мезонларга амал қиладиганларнинг устунлик ҳуқуқини инкор қилиб, Аллоҳ таоло айтадики: «Улар: «Сенга пасткашлар эргашиб турган ҳолда, биз сенга иймон келтирармидик?!» дедилар» (Шуаро, 111). Бу уларнинг имон келтирмаганлигидан далолатдир, чунки уларнинг остидагилар Пайғамбар соллоллоҳу алайҳи вассалламга

иймон келтирдилар. Ва улар айтдилар: «Эсипастлар иймон келтирганидек иймон келтирамизми?» (Бақара, 13)

Улар Пайғамбар соллоллоҳу алайҳи вассалламни тинглаш истагида эканлиги, лекин унинг атрофида тўпланган бу қашшоқлар ёнига ўтирмаслигини баҳона қилган зодагон қурайшийлар ва ўзларини халқининг ҳукмдорлари деб ҳисоблайдиганлар Пайғамбар соллоллоҳу алайҳи вассалламдан унинг атрофида бўлган ва унга имон келтирган Аммор ибн Йасир ва Билол каби камбағаллар, бахтсиз ва заиф кишиларни ҳайдаб юборишини сўраганда Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзлари нозил бўлди: «Эртаю кеч Роббиларига Унинг юзини ирода қилиб дуо этаётганларни ҳайдама! Уларнинг ҳисобидан сенинг зиммангда ҳеч нарса йўқ. Сенинг ҳисобингдан уларнинг зиммасида ҳеч нарса йўқ. Уларни ҳайдаб, золимлардан бўлиб қолма» (Анъом, 52).

Пайғамбар соллоллоҳу алайҳи вассаллам зодагон аёлни ўғирлик учун жазодан озод қилишни илтимос қилганларида, у зот бу ишни қилишдан воз кечиб, Аллоҳнинг амрларига келганда тарафдорликка йўл қўйилмасликка эътибор қаратиб, тенгликнинг маъносини тушунтириб бердилар, чунки бу одамлар ўртасида тенглик тамойилини бузган ва зодагонларни жазолашдан озод қилиш ва заиф кишиларга нисбатан жазони қўллашга олиб келган бўларди. Пайғамбар соллоллоҳу алайҳи вассаллам изоҳ бердиларки, агар бундай тартиб ўринга эга бўлмаса, бу жамиятни ҳалокатга олиб келиши муқаррар. “ Албатта, сиздан олдин ўтганларнинг ҳалок бўлишлари, ичларида шарифлари ўғрилик қилса, қўйиб юбориб, заифлари ўғрилик қилса, унга ҳаддни қоим қилишликлари сабабидандир”.

Пайғамбар соллоллоҳу алайҳи вассаллам уни яхши кўрган ва ундан билимлар олган энг яқин саҳобалардан бирига у бошқа саҳобанинг танаси ранги туфайли масҳара қилгани учун танбеҳ беради. Абу Зарр розияллоҳу анҳу

кунлардан бир кун Билол розиллоху анхуни танасининг ранги қора эканлиги сабабли уялтирган бир пайтда Пайғамбар соллоллоху алайҳи вассаллам юзлари ўзгариб кетди, саҳобага қарата дейди: “Сенда жоҳилият одатлари бор экан”.

Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ўзининг видолашув хутбида айтадларки: “Эй одамлар! Барчангизнинг Роббингиз бирдир. Арабнинг ажамдан, ажамнинг арабдан, қоранинг қизилдан, қизилнинг қорадан тақводан бошқа нарсада ортиқлиги йўқ. Аллоҳнинг наздида энг мукаррамингиз энг тақводорингиздир”.

Шариат ўз меъёрларида тенглик асосини шундай кўрсатиб берганки, бу тамойил инсон тараққиёти воситаси ҳисобланади ва унинг умумий фаровонликка олиб келади.

Исломда аёл ҳам худди эркаклар каби Аллоҳ амр қилган ишларни қилиши ва У тақиқлаган ишларни қилмаслиги лозим ва унга ҳам худди шундай ажр берилади, бу борада Аллоҳ таоло айтадики: «Эркагу аёл, ким мўмин ҳолида яхши амал қилса, Биз унга яхши ҳаёт кечиртирамиз ва, албатта, уларни қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр ила мукофотлармиз» (Наҳл, 97).

Ҳар бир эркакнинг ва ҳар бир аёлнинг бир-бирини тўлдириб турадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари бор ва уларни бирлаштириб турадиган нарса оила фойдасига хизмат қилади. Агар эркак талоқ қилиш ҳуқуқига эга бўлса, аёл киши ҳам унга зарар этказадиган никоҳдан воз кечишга ҳақлидир (албатта, маълум шартлар асосида), шунингдек агар у тегишлича ғамхўрлик қилмаган эри томонидан зарарга дучор бўлса, ажрашишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар аёл бунга эҳтиёж сезадиган бўлса ёки айрим касбларда ва аёллар меҳнати фойдаланиладиган фаолият турларида мос келувчи қонунчилик меъёрларида бўлганидек, ишлаб чиқариш унинг меҳнатига муҳтож бўлса, у ишга кириш ҳуқуқига эга бўлади. Бундан ташқари, аёл киши тўлиқ ҳуқуқий лаёқатга эга бўлиб, ўз мулкини

истаганича тасарруф этиши мумкин. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллоллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек: “Албатта, аёллар эркакларнинг туғишган опа-сингилларидирлар”.

Инсон зотига мансублик асосида тенгликка ва оилада бир-бирини тўлдирадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга қарамасдан, Ислом аёлга нисбатан ғамхўрлик қилишга ва унга нисбатан яхши муносабатда бўлишга чақиради. Қуръони каримда марҳамат қилинганки: «ва улар ила яхшиликда яшанг» (Нисо, 19). Бу ерда эркак киши ҳаттоки аёлида танбеҳ беришга лойиқ бирон нарса бўлган тақдирда ҳам ёқтирмаслик ҳиссига берилмасликка даъват бор: «...Агар уларни ёқтирмасангиз, шоядки, Аллоҳ сиз ёқтирмаган нарсада кўпгина яхшиликларни қилса» (Нисо, 19).

Бир-бирини тўлдирадиган бу тенглик эркак учун ҳам, аёл учун ҳам, оила ва бутун жамият учун ҳам фойда келтиради.

Ислом, гарчи тўрт хотинга эга бўлишга рухсат берган бўлсада, бунинг учун улар ўртасида тенглик ва адолатлиликка риоя қилиш ва моддий таъминлаш мажбуриятини шарт қилиб қўйган. Кўп хотинлилик аёлга ғамхўрлик қилишга имконият очиб беради, чунки у ҳаётда боқувчисиз ва унинг учун жавобгар бўлган шахссиз қўлишига йўл қўйиш мумкин эмас. Бундан ташқари, эркак киши аёлга нисбатан ва унинг олдида ҳеч қандай мажбуриятга эга бўлмаган ҳолда уни роҳатланиш ва вақтичоғлик воситасига айлантириш, жинсий эксплуатация қилиш эҳтимоли ҳам истисно қилади. Бу қонуний никоҳсиз эркак билан яшашга розилик билдирадиган аёлнинг ҳолати ва у ҳар қандай ҳолатда ҳам, ўзини кўп хотинли эмас деб кўрсатадиган эркак уни ўзига ўйнаш қилиб оладиган жойда ютқазади.

Ҳуқмдор ва фуқаро ўртасида ҳамкорлик ва интеграция Ислом тамойилларидан бири ҳисобланади. Пайғамбаримиз

соллоллоху алайҳи васаллам - у одамларнинг энг яхшиси эди ва унинг эришган мавқеига бошқа ҳеч ким эриша олмайди - саҳобаларни кўп сонли мисолларда тенгли тамойилига ўргатган ва қўйида бундай мисоллардан бири келтирилган. Кунлардан бир кун, саҳобалар жанг олдидан саф тортган пайтда у қўлидаги кичик бир таёқ билан бир кишини туртади ва у сафдан чиқади. Бу киши унга арз қилганда Пайғамбар соллоллоху алайҳи васаллам қорнини яланғочлаб, у ҳам худди шундай жавоб қайтаришини сўрайди, бунинг ўрнига у Пайғамбар соллоллоху алайҳи васаллам танасини ўпиш учун бош эгади. Унинг мақсади жангда ҳалок бўлишдан олдин Пайғамбар соллоллоху алайҳи васаллам танасига тегиниш бўлган.

Пайғамбар соллоллоху алайҳи васаллам саҳобалари бу сабоқни ўзлаштириб оладилар. Хусусан, Абу Бакр (розиаллоху анху) айтадики: «Сизнинг яхшингиз бўлмасам ҳам, сизга бошлиқ қилиндим. Агар ёмонлик қилсам, мени тўғриланглар. Модомики Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилар эканман, менга итоат қилинг. Агар Аллоҳга ва Унинг Расулига осий бўлсам сиз учун менга итоат қилиш лозим эмас». Бу шундай тенгликка, муслмонларнинг манфаатлари ҳақида қайғурадиган ҳукумат вакилига бўйсунуш ҳуқуқини бузмайди.

Агар фуқаролар ҳуқуқ ва мажбуриятларда тенг бўлсалар, ҳукмдор фуқароларнинг унга ёқадиган ва ёқмайдиган нарсаларда бўйсунушлари ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқнинг асоси бўлган шариат тенглик ҳуқуқини беради ва бу ҳақида Аллоҳ таоло айтади: «Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга итоат қилинг, Пайғамбарга ва ўзингиздан бўлган ишбошиларга итоат қилинг» (Нисо, 59).

Ислом одамларни инсон зоти вакиллари сифатида тенглаштиради, инсон қадр-қимматиغا келадиган бўлсақ, бу борада Аллоҳ Таоло айтадики: «Биз Бани Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик» (Исро, 70).

Исломий давлатда яшайдиган ва мусулмонларнинг ҳимоясида бўлган мусулмон бўлмаганларнинг мол-мулки мусулмон учун дахлсиздир, фақат унинг розилиги билан дахл қилиниши мумкин, унинг шарафи ҳам Ислом жамиятида дахлсиз. Томас Арнольд «Исломга даъват» китобида ёзадики: "насронийлик кўп асрлар давомида билмай келган исломий бошқарув шароитларида сезиларли сабр-тоқатдан фойдаланган". Мусулмонларнинг ҳимоясида бўлган киши Исломий жамиятда яшаши, ўз ҳаёти, мулки ва шарафидан хавотирланмаслиги, аксинча, меҳрибонлик ва раҳм-шафқатдан фойдаланиши мумкин бўлган. Масалан, Умар ибн ал-Хаттаб (розиаллоҳу анху) ўзи пул ишлаб топа олмайдиган, жамоат ҳимоясида бўлган қарияга ғазнадан пул беради.

Бу одамлар тенглиги одоб-ахлоқи ва ахлоқий меъёрларга мисоллар бўлиб, Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларига таянади: «Аллоҳ сизларни диний уруш қилмаган ва диёрларингиздан чиқармаганларга яхшилик ва адолатли муомала қилишдан сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолат қилувчиларни яхши кўради» (Мумтахина, 8).

Ислом унинг асослари ва тушунчасини Исломнинг қатъиян рад этадиган инсониятни тана ранги ёки жинси бўйича ажратиш, аёл ва унинг Исломий жамиятдаги ҳуқуқлари муаммолари, ҳукмдор ва фуқаролар ўртасидаги тенглик муаммолари, мусулмонлар ҳимояси остида бўлганлар билан муомала қилишда тенглик ва адолат каби муҳим муаммоларига киритган тенгликнинг энг муҳим жиҳатлари мана шундай. Бу тенглик тамойиллари Исломдан олдинги жамиятларга маълум эмас эди.

ЖАМИЯТДА ЎЗАРО ЁРДАМ

Жамиятда ўзаро ёрдам Исломда унинг негизи диний таълимот ва Исломий одоб-ахлоқ тизими бўлган тамомила бошқача ғоявий негизларга асосланади. Бу инсон ҳуқуқларининг тасдиқланиши ҳозирги кунда устунлик қиладиган ижтимоий таъминот тизимларида ўринга эга бўлгани каби, уни жорий қилганлар тажрибасининг натижаси бўлмади.

Маълумки, ижтимоий таъминот ғояси Иккинчи жаҳон урушининг охирларида вужудга келган ва уни тасдиқлашда шу фикр ҳисобга олинганки, агар шахс у заиф бўлган ва кулфатларни бошидан кечираётган пайтда у яшаётган жамият ёрдам қўлини чўзганлигини ҳис қилмасдан, муҳтожлик, дард-алам ва оғир аҳволда ёлғиз ўзи қолдириладиган бўлса, ижтимоий дунё шароитларида халқлар ҳаётини таъминлаб бўлмайди.

Исломий ўзаро ёрдамга келадиган бўлсак, у одамлар ўртасида ҳамкорлик ёки муҳтожлик ва заифлик пайтларида имкон қадар ёрдам кўрсатиш ғоясидан ҳам устунлик қиладиган илғор ғояларни ифодалайди. Исломда ўзаро ёрдамнинг асоси, ғарб жамиятларида ўринга эга бўлганидек, маълум бир вақтда ёки маълум бир жойда юзага келадиган ижтимоий муҳтожлик саналмайди. Бу ерда жамиятда ўзаро ёрдам шариатда белгиланган тамойилга, чунончи, жамиятда диндорларнинг бир-бирига ғамхўрлик қилиш тамойилига бориб тақалади. Аллоҳ таоло айтадики: «Мўмин эркалар ва мўмина аёллар бир-бирларига дўстдирлар» (Тавба, 71).

Бир-бирига ғамхўрлик қилиш инсон ҳаётининг турли моддий ва ахлоқий жиҳатларида жавобгарликни кўзда тутди. Араб тилидаги "валайя" сўзи бир нечта маънони англатади: ғамхўрлик қилиш, бошқариш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва ўзаро ёрдам. Инсонлар Ислом нуқтаи назаридан ҳар ким ўз ҳолича яшамайди, балки жамиятнинг

бошқа аъзолари билан бир-бирига ғамхўрлик қилади, бунда жамият ишларида ва ҳаёти масалаларда бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва идора этиш кўзда тутилади.

Ислонда ўзаро ёрдамнинг мазмуни жамиятда давлатманд кишилар жамиятнинг қолган аъзоларига нисбатан бурчи, мажбуриятдан иборат. Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги сўзлари буни яққол кўрсатиб турадиган ҳадисларда намоён бўлади: «Кимнинг ортиқча маркаби бўлса, уни маркаби йўқ кишига берсин. Кимнинг ортиқча зоди таоми бўлса, уни зоди йўқ кишига берсин», дедилар ва У зот бошқа турдаги молларни ҳам шундоқ тарзда зикр қилиб чикдиларки, биз бирортамининг ҳам ўзидан ортган нарсада ҳаққи йўқ экан, деган фикрга бордик».

Ислоний ўзаро ёрдам қандайдир манфаат эвазига ўзаро ҳамкорликдан юқоридир, у айнан беғараз ёрдамни, фақат Аллоҳдан ажр олиш учун илтимос ва бурчни бажаришни англатади. Инсон муҳтожлик ҳис қилганда бундай ёрдам кўрсатиш муслмонлар жамоати учун ҳаттоки кишининг заифлиги ва муҳтожлиги сабабли унинг қадр-қимматини поймол қилишга қодир бўлмаган жамиятда яшаётган киши сифатида муслмон бўлмаганларга нисбатан ҳам мажбурий бўлган.

Халифа Умар ибн ал-Хаттаб (розиаллоҳу анху) Ислон жамиятида яшаган ва муслмонлар ҳимоясида бўлган муҳтож одамлар ва камбағалларга ёрдам берган. Бошқа муслмонлар ҳам худди шу тарзда йўл тутишган. Муслмон бўлмаган кишилар, агар уларнинг камбағал ва муҳтожлиги белгиланган бўлса, ўз имкониятлари доирасидан ташқари солиқ тўламаган. Бундан ташқари, унга кун кўриш учун моддий ёрдам берилган

Ижтимоий таъминот ҳақида гапирила бошлаган пайдан 14 аср аввал Умар ибн ал-Хаттаб (розиаллоҳу анху) айнан шундай йўл тутган. Мўминлар – биродарлардир, Аллоҳ Таоло айтадики: «Албатта, мўминлар биродардирлар» (Ҳужурот, 10). Улар бир-бирларига ғамхўрлик қилдилар

Аллоҳ таоло Қуръони каримда муҳтожларга ёрдам кўрсатиш ва хайр-эҳсон қилишда қизғанчиқлик қилмасдан маблағ сарфлашга, шунингдек, муҳтожлар ҳуқуқларини мажбурий ҳуқуқ сифатида қондиришга ундайди: «... Уларнинг молу мулклариди маълум ҳақ бордир. Сўровчи ва бечоралар учундир» (Маъориж, 24 - 25) .

Муқаддас Қуръоннинг шу ва бошқа оятлари жамиятда ўзаро ёрдамни инсон ҳуқуқларининг бири сифатида тайинлаб берган. Улар билан бир қаторда ҳар бир қисми бошқасига маҳкам ёпишиб турадиган ва мусулмонлар уни ўз биродарларига худди шу кишининг оғриғи ва шикоятига жавоб қайтарадиган органи сифатида муносабатда бўладиган бир бино кўринишида бир-бирига нисбатан меҳр-муҳаббатни ифодаладиган қатор ҳадислар ҳам бор. Бундан ташқари, Ҳоким Пайғамбар соллоллоҳу алайҳи васалламнинг қўйидаги сўзлари билан жамиятнинг муҳтожлик сезаётган ҳар бир аъзоси учун қатъий жавобгарлигини белгилаб беради...

Жамият уни амалга оширишни ўз зиммасига оладиган ва ҳукумат вакили етимлар ва заиф кишилар оғир аҳволга тушиб қолмаслиги учун уларга нисбатан бажарадиган ўзаро ёрдам мана шундай. Ҳуқуқларнинг оддий шиоарларга айланиб қолмайдиган тарзда белгилаш зарур бўлганлиги учун Ислом қонунчилигида ўзаро ёрдам турлари тушунтириб берилган ва жамиятнинг масъулиятни ўз зиммасига олиши зарур бўлган аъзолари ажратиб кўрсатилган.

Закот Исломнинг беш устунларидан бири ва унинг жамиятдаги ижтимоий мажбурияти – Исломда ижтимоий ўзаро ёрдамнинг биринчи мисоли ҳисобланади. Бу шариатнинг белгиланган шартларга мувофиқ мулкдаги улуш ҳуқуқи билан белгиланган қоида ҳар бир мусулмон учун амал қилади. Закот мулкнинг бир қисми ёки бошқа қандайдир бир миқдор сифатида белгилаб қўйилмайдиган садақадар фарқ қилган ҳолда торроқ хусусий маънога эга.

Садақа билан боғлиқ ҳолатларда унинг миқдори ва кимга бериш лозимлигини садақа берувчининг ўзи ҳал қилади. Аллоҳ барча турдаги мулкларга нисбатан амр қилган ва шариатда белгилаб қўйилган Закоатга келадиган бўлсак, у олтин ва кумушдан, чорва молларидан, савдо предметларидан, ўсимликлар ва мевалардан, ер қаъирдан қаттиқ ва суюқ кўринишда олинадиган ҳар бир неъматдан шариатда белгиланган миқдорда тўланади. Закоат миқдори, белгиланган меъёрлардан келиб чиқиб, закоат бериладиган мулк ўндан бир қисмининг яораги ёки ярмини, яъни 2,5% ёки 5%ини ташкил қилиши мумкин.

Турли мамлакатларда закоат пул муомаласини яхшилашга хизмат қилган. Уларнинг қадимги жамиятлардаги муомала характери адолатлилик ва ўзаро ёрдамнинг тамомила аксини ифодалаган. Камбағаллар бойларнинг ва ҳукмдорларнинг давлатини кўпайтириши учун меҳнат қилган. Ислом мулкни муҳтожлар ва камбағалларга нисбатан Аллоҳнинг амрини бажаришга мажбур қилиб, адолат қарор топишига хизмат қилади.

Закоат нисобини белгилаш мусулмон уламоларининг китобларида баён қилинган. Уларнинг энг муҳимларидан бири шундаки, закоат тўплаш ва уни сарфлаш учун жавобгарлик ҳукумат вакиллариининг зиммасига юкланади. Исломда закоат кимга тўланиши аниқ ва равшан белгилаб қўйилган бўлиб, қуйидаги оятни келтириб ўтиш кифоя: «Албатта, садақалар фақирларга, мискинларга, садақа ишида ишловчиларга, кўнгилларини улфат қилинадиганларга, қул озод қилишга, қарздорларга, Аллоҳнинг йўлига ва йўл ўғлиларига берилиши Аллоҳ томонидан фарз қилингандир. Аллоҳ билгувчи ва ҳикматли зотдир» (Тавба, 60).

Мулкдан закоат тўлаш билан бир қаторда шариатда Рамазон ойидан кейин келадиган байрам куни ўзаро ёдамнинг ёрқин шаклини намойиш этадиган фитр садақаси ҳам кўзда тутилган. У кун ва тун давомид ейиш учун нони

борларга буюрилади. Унинг миқдори кичик бўлиб, уни тўлагн киши ижтимоий ўзаро ёрдамга муносиб ҳисса қўшганлигини ҳис этиши ва уни ўзи лойиқ топган одамга бериши мумкин.

Исломда ижтимоий ўзаро ёрдамга бошқа мисоллар сифатида Аллоҳ буюрган бой одамнинг камбағал қариндошларга, эрнинг хотинга, отанинг болаларга, бой ўғилнинг камбағал ота-онага, меросхўр аканинг камбағал ёки муҳтож укасига ёрдам кўрсатиши келтириб ўтиш мумкин. Айрим мусулмон олимлар камбағал қариндошларга ёрдам кўрсатиш мажбуриятини кенгроқ талқин қилиб, ушбу тоифага она томонидан барча қариндошларни киритган.

Ижтимоий ўзаро ёрдам қаторига жазо тайинлаш учун етарли шартлар бўлмаган ёки айбдор жазодан озод қилинган ҳолларда қасддан ёки бехосдан одам ўлдириб қўйганлик учун тўланадиган пул меъёрлари ҳам киради. Бу ҳолатда ўлдирилган кишининг, вояга етмаганлардан ҳам иборат бўлиши мумкин бўлган меросхўрлари фойдасига қотилнинг мулкидан тўлов белгиланади ва шу сабабли тўланадиган пул уларнинг кейинги ҳаётга турмуш қийинчиликларида ёрдам бериши кўзда тутилади. Бехосдан одам ўлдириб қўйган қотилнинг яқин қариндошлари ўлдирилган кишининг меросхўрига биргаликда пул тўлашлари мумкин.

Бу ерда жамиятнинг ўлдирилган киши меросхўрларига кафолатини ифодалайди ва шу тариқа мусулмон жамиятида инсон қони бекорга тўкилмаган деб ҳисобланади.

Ижтимоий ўзаро ёрдам Исломда фақат моддий жиҳатлар билан чекланиб қолмайди, балки тақводорлик масалаларида ҳамкорлик ҳисобланади даражагача кўтарилади. Ислом одам ўзи эга бўлган фойдали билимларни билимга муҳтож бўлган кишилардан яширмаслиги, зарур бўлган одамларга панд-насихат

бериши лозимлигини ўргатади, чунки Пайғамбаримиз Муҳаммад соллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидан бирида айтилганидек, дин бу самимийликнинг ифодасидир.

Ислом жамиятида инсон бошига фалокат тушганда Исломнинг давлатманд кишиларнинг муҳтожларга ёрдам қўлини чўзишга ёки пул билан, баъзи фойдали ишлар билан ёрдам бериш, ҳеч бўлмаса ҳамдардлик, раҳм-шафқат кўрсатишга чақирадиган кўрсатмалари кучга киради.

Абдуллоҳ ибн Абдулмуҳсин ат-Туркийнинг
"Исломда инсон ҳуқуқлари" китобидан

ИСЛОМДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ҚОҲИРА ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Ислом Конференцияси Ташкилотига аъзо давлатлар, инсониятга фоний ва боқий дунёдаги ҳаёт ўртасида уйғунликка эришилган ва билим имон билан уйғунлашадиган, универсал ва ҳар томонлама ривожланган тамаддун берган, Аллоҳ томонидан яратилган умматларнинг энг яхшиси сифатида ислом дунёсининг маданий ва тарихий миссиясини ҳамда ислом дунёси қарама-қарши тенденциялар ва мафкураларда ўралашиб қолган инсониятга йўл кўрсатиш,

инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, инсонни эксплуатация қилиниш ва таъқиблардан ҳимоя қилиш,

ислом шариатида мувофиқ унинг муносиб яшаш ҳуқуқи ва эркинликларини тасдиқлашда ислом дунёси ўйнаши лозим бўлган ролни яна бир бор таъкидлаган ҳолда материалистик фанларни ривожлантиришда сезиларли муваффақиятларга эришган инсоният аввалгидек,

тамаддуни асраш учун имонга ҳамда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш,

исломда асосий ҳуқуқлар ва универсал эркинликлар ислом дининг ажралмас қисми саналиши ва улар Аллоҳ ваҳий қилган Китобларда келтирилган ва аввалги ваҳийларни яқунлаш учун унинг Пайғамбарларидан сўнггиси орқали ваҳий қилинган,

бу эса уларни ибодатга риоя қиладиган қилиб қўйган, уларни поймол қилиш ёки бузиш гуноҳи кабира саналадиган ва шу сабабли уларни ҳимоя қилиш учун ҳар бир киши шахсан, ислом дунёси эса – жамоавий жавобгар бўлган Аллоҳ буюрган амрлар ҳисобланиши сабабли

уларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш, бузиш ёки поймол қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ деб ҳисоблаб,

ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ички ундовчи кучларга ўткир эҳтиёж ҳис қилаётгани ва ҳис қилишига қатъий ишониб, юқорида баён қилинган тамойилларга таянган ҳолда, қуйидагиларни маълум қилади:

1-модда

а) Барча одамлар Аллоҳнинг амри билан бирлашган бир оилани ҳосил қилади ва Одам Атонинг авлодлари ҳисобланади. Барча одамлар ирқи, танасининг ранги, тили, жинси, дини, сиёсий қарашлари, ижтимоий мавқеи ва бошқа асослардан қатъи назар, асосий инсон қадр-қиммати, асосий мажбурият ва вазифаларда тенг ҳуқуқли ҳисобланади. Ҳақиқий имон инсоннинг такомиллашуви жараёнида бундай кадр-қимматнинг ортиши гарови ҳисобланади.

б) Барча одамлар Аллоҳнинг бандалари, қолган бандаларга кўпроқ фойда келтирадиган бандалар Унинг суюкли бандалари ҳисобланади, ҳеч ким бошқа одамлардан кўра устунликка эга эмас, фақат тақво ва солиҳ амалларидан ташқари.

2-модда

а) Ҳаёт бу – Аллоҳнинг инъоми ва яшаш ҳуқуқи ҳар бир киши учун кафолатланган. Бу ҳуқуқнинг ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиши одамлар, жамиятлар ва давлатларнинг мажбурият ҳисобланади ва ҳеч кимни ҳаётдан маҳрум қилиб бўлмайди, шариатда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

б) инсониятни геноцид йўли билан йўқ қилишга олиб келиши мумкин бўлган воситаларга мурожаат қилиш тақиқланади.

с) Аллоҳ томонидан берилган вақт давомида инсон ҳаётини асраш шариатда кўрсатилган мажбурият ҳисобланади.

д) жисмоний дахлсизлик кафолатланган ҳуқуқ ҳисобланади. Давлат уни ҳимоя қилишга мажбур, шариатда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

3-модда

а) Куч қўллаш шароитларида ёки қуролли низолар вақтида қариялар, аёллар ва болалар каби тинч аҳолини ўлдириш тақиқланади. Ярадорлар ва беморлар тиббий ёрдам ҳуқуқига эга; ҳарбий асирлар овқат, кийим ва бошпана ҳуқуқига эга. Мурдаларга нисбатан расво ҳаракатлар тақиқланади. Ҳарбий асирларни алмашиши, уруш ҳолати антижасида бир-биридан айрилган оилаларнинг бирлашувига ёки ташриф буюришига имкони бериш зарур.

б) Дарахтларни кесиб ташлаш, экин майдонларини пайҳон қилиш, чорва молларини ўлдириш ҳамда ўққа тутиш, портлатиш ва бошқа йўллар билан фуқаро бинолари ва иншоотларини бузиш ва вайрон қилиш тақиқланади.

4-модда

Ҳар ким дахлсизлик ҳуқуқига ва ҳаёти давомида ва ўлиmidан кейин ор-номуси ва пок номини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Давлат ва жамият унинг мурдаси ва кўмилган жойини ҳам ҳимоя қилади.

5-модда

а) Оила жамиятнинг негизи ҳисобланади ва никоҳ қуриш натижасида вужудга келади. Эркаklar ва аёллар никоҳ қуриш ҳуқуқига эга ва ирқи, танасининг ранги ёки миллати белгилари бўйича ҳеч қандай чекловлар бу ҳуқуқдан фойдаланиш учун тўсиқ бўла олмайди.

б) Жамият ва давлат никоҳ йўлидаги барча тўсиқларни бартараф қилади ва никоҳдан ўтиш жараёнини энгиллаштиради. Улар оила фаровонлиги ва ҳимоясини таъминлайди.

6-модда

а) Аёл эркалар билан инсон қадр-қиммати борасида тенг ҳуқуқли бўлиб, ҳам ҳуқуқлар, ҳам мажбуриятларга эга; у мустақил фуқаролик мақомига ва молиявий мустақилликка, ўз исми ва уруғини сақлаш ҳуқуқига эга.

б) Эр оилада тўкинчилик ва фаровонлик учун жавоб беради.

7-модда

а) Ҳар бир бола туғилган пайтидан бошлаб ота-онаси, жамият ва давлат томонидан тегишлича қараш, тарбия олиш, шунингдек, моддий, маънавий ва жисмоний қўллаб-қувватланиш ҳуқуқини қўлга киритади. Она ва ҳомилага алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиши лозим.

б) Ота-оналар ва худди шундай ҳолатда бўлганлар ўз фарзандлари учун таълим турини ва ўз хоҳиши билан танлаш ҳуқуқига эга, бунда улар шариат меъёрлари ва ахлоқий қадриятларга мувофиқ болалар манфаатлари ва келажагини ҳисобга олиши лозим.

с) Ота ва она ўз фарзандларидан, қариндошлар эса – шариат кўрсатмаларига мувофиқ ўз яқинларидан ғамхўрлик кўриш ҳуқуқига эга.

8-модда

Ҳар ким ўз мажбурият ва вазифаларига нисбатан ҳуқуқ субъекти эканлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга, уни тўлиқ ёки қисман йўқотган ҳолларда эса унинг номидан васий иштирок этади.

9-модда

а) Билим олиш мажбурият, таълимни таъминлаш эса – давлат ва жамиятнинг бурчи ҳисобланади. Давлат таълим олиш йўллари ва воситалари мавжудлигини таъминлайди ва инсон Исломи дини ва Коинот ҳақида билимлар билан бутун инсоният равнақи йўлида танишиб чиқиши мумкин бўлиши учун жамият манфаатларида таълимнинг ҳар хил турларини кафолатлайди.

б) Ҳар ким турли таълим-тарбия ва панд-насиҳат бериладиган муассасаларда, жумладан, оила, мактаб, университет, ОАВ ва ҳ.к.да ўз шахсиятини комплексли ва мувозанатли ривожлантириш, Аллоҳга ишончни мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳурмат қилишни рағбатлантириш учун диний ва дунёвий таълим олиш ҳуқуқига эга.

10-модда

Исломи – табиий поклик дини. Инсонни мажбурлашнинг қадайдир шаклига мурожаат қилиш, унинг камбағаллиги ва билимсизлигидан уни бошқа динга киргизиш ёки атеизмга қаратиш тақиқланади.

11-модда

а) Одамлар озод одам бўлиб туғилади ва ҳеч кимнинг уларни қул қилиш, таҳқирлаш, жабр-зулм қилиш ёки эксплуатация қилишга ҳақли эмас ва улар Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч кимга қарам эмас.

б) Ҳар қандай турдаги мустамлакачилик, қулликнинг энг жирканч шаклларида бири бўлиб, бутунлай тақиқланган. Мустамлакачилик зулми остида азоб чекаётган халқлар озодлик ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга. Мустамлака қилинган халқларни мустамлакачилик ва истилонинг барча шаклларига қарши курашини қўллаб-қувватлаш барча давлатлар ва халқларнинг мажбурияти ҳисобланади, барча давлатлар ва халқлар ўзларининг

мустақиллик мақомини сақлаб қолиш, ўз бойликлари ва табиий ресурсларини назорат қилиш ҳуқуқига эга.

12-модда

Ҳар ким шариат талабларига риоя қилган ҳолда ўз мамлакати ёки унинг ҳудудидан ташқарида эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш, таъқиб қилинган ҳолларда эса – бошқа мамлакатда бошпана излаш ҳуқуқига эга. Бошпана берувчи мамлакат токи у хавфсизликда бўлмагунга қадар унинг ҳимоясини таъминлайди, бошпана сўраш шариатда жиноят сифатида кўриб чиқиладиган ҳаракатлар билан боғлиқ бўлиши бундан мустасно.

13-модда

Иш - бу давлат ва жамият томонидан ҳар бир меҳнатга лаёқатли шахсга кафолатланган ҳуқуқдир. Ҳар ким уни энг юқори даражада уни қониқтирадиган, шунингдек, унинг ва жамиятнинг манфаатларига жавоб берадиган иш танлашга ҳақлидир. Ишлаётган одам хотиржамлик ва хавфсизлик ҳуқуқига, шунингдек, бошқа барча ижтимоий кафолатлар олиш ҳуқуқига эга. Унга бажара олмайдиган ишни топшириш ёки ишлашга мажбур қилиш, ёки эксплуатация қилиш ёки бирон-бир тарзда зарар етказиш мумкин эмас. У ўз меҳнати учун кечикмасдан, эркаклар ва аёллар ўртасида ҳеч қандай дискриминациясиз адолатли ҳақ олиш, шунингдек, таътил учун ҳақ олиш ва у муносиб бўлган тарзда хизмат бўйича кўтарилиш ҳуқуқига эга. Ўз томонидан, у тпшрилиган ишларни пухта ва сидқидилдан бажариши лозим. агар ишчи ва хизматчилар қандайир масала бўйича келиша олмайдиган бўлсалар, давлат низони ҳал қилиш ва талабларни қондириш, ҳуқуқларни тасдиқлаш ва адолатни одилона тиклаш учун аралашади.

14-модда

Ҳар ким ўзи ва бошқаларга зарар етказмасдан, алдовсиз ва монополия қилишсиз қонуний даромад олиш ҳуқуқига эга. Судхўрлик (рибо) қатъиян тақиқланган.

15-модда

а) Ҳар ким қонуний йўл билан харид қилинган мулкка эгалик қилиш, ўзига, бошқаларга ва бутун жамиятга зиён етказмаган ҳолда мулкдор ҳуқуқларига эга бўлишга ҳақли. Экспроприация, жамият манфаатларини қондириш учун ва зудлик билан адолатли компенсация тўланган ҳоллардан ташқари рухсат этилмайди.

б) Мулкни ҳибсга олиш ва мусодара қилиш, бундан зарурат қонун кучи туфайли юзага келган ҳолатларни истисно қилганда, тақиқланади.

16-модда

Ҳар ким илмий, адабий, бадиий ва техник ижод маҳсулидан фойдаланиш, шунингдек, бундай ижод шариат тамойилларига зид келмаслиги шартда у билан боғлиқ бўлган ахлоқий ва моддий манфаатларни ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

17-модда

а) Ҳар ким ёмон хулқ ва ахлоқий коррупциядан озод бўлган тоза муҳитда, унинг ўзини-ўзи ривожлантиришига хизмат қиладиган муҳитда яшаш ҳуқуқига эга, давлат ва жамият эса бундай ҳуқуқни таъминлаши лозим.

б) Ҳар ким тиббий ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш, жамият ва давлат улар тасарруфида бўлган ресурслар доирасида тақдим этадиган барча ижтимоий муассасалардан фойдаланишга ҳақли.

с) Давлат инсонга унинг ва қарамоғида бўлган одамларнинг барча эҳтиёжларини қондириш имконини берадиган, жумладан, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой,

таълим, тиббий ёрдам ва бошқа асосий эҳтиёжларни ўз ичига оладиган муносиб турмуш ҳуқуқини таъминлайди.

18-модда

а) Ҳар ким шахсан ўзи, дини, қарамоғида бўлган одамлар, ўз ор-номуси ва мулки учун хавфсизликда яшашга ҳақли.

б) Ҳар ким ўз уйида, ўз оиласида, ўз мулки ва ўзаро муносабатлари борасида шахсий ишлар махфийлигини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Бирор кишини кузатиб бориш, уни кузатув остига олиш ёки уни ёмон отлиқ қилиш тақиқланади. Давлат шахсни унинг ишларига ўзбошимчалик билан аралашишдан ҳимоя қилади.

с) Хусусий уй-жой дахлсизлиги барча ҳолатларда қўлланади. Унга яшовчларнинг рухсатисиз ёки бошқа бир қонунга хилоф равишда кириш, уни бузиш ёки мусодара қилиш ва у ерда яшайдиган шахсларни кўчага чиқариб ташлаш мумкин эмас.

19-модда

а) Бошқарувчилар ва бошқарилувчилар ўртасида ҳеч қандай фарқларсиз қонун олдида барча одамлар тенгдирлар.

б) Ҳар кимга одил судга мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

с) Ишнинг моҳияти бўйича жавобгарлик шахсий характерга эга.

д) Шариатда назарда тутилмаган бўлса, жиноят ёки жазо бўлиши мумкин эмас.

е) Айбланувчининг айби унга барча ҳимоя кафолатлари тақдим этилган одил суд томонидан исботланмагунга қадар, у айбдор деб ҳисобланмайди.

20-модда

Ҳеч кимни қонуний асосларсиз ҳибсга олиш, унинг эркинлигини чеклаш, уни бадарға қилиш ёки жазолашга йўл қўйилмайди. Уни жисмоний ёки руҳий қийноқларга солиш ёки ҳар қандай шаклда таҳқирлаш, шафқатсизлик қилиш ёки ҳақоратлаш таъқиқланади. Шунингдек, одам билан унинг розилигисиз ёки унинг ҳаёти ва саломатлигига зиён етказилиш rischi билан тиббий ва илмий экспериментлар ўтказиш тақиқланади. Худди шу тарзда бундай ҳаракатларга рухсат берадиган фавқулодда қонунлар қабул қилишга ҳам рухсат этилмайди.

21-модда

Ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай мақсадлар учун одамларни гаровга олиш тақиқланади.

22-модда

а) Ҳар ким ўз фикрини шариат тамойилларига зид келмайдиган тарзда ифодалаш ҳуқуқига эга.

б) Ҳар ким ўзи тўғри деб ҳисоблайдиган фикрни ҳимоя қилиш, шариат меъёрларига мувофиқ қораланадиган ёки нотўғри деб ҳисоблайдиган фикрга нисбатан огоҳлантириш ҳуқуқига эга.

с) Ахборот жамият ҳаёти учун зарур ҳисобланади. У Пайғамбарларнинг муқаддаслиги ва қадр-қимматини бузадиган, маънавий ва ахлоқий қадриятларга путур этказадиган ёки бузадиган, жамиятни заифлаштирадиган ёки порахўрликни ривожлантирадиган тарзда ишлатилиши ва қўлланиши мумкин эмас.

д) Ҳар қандай шаклда ирқий камситишларга олиб келиши мумкин бўлган миллатчилик ёки мафкуравий душманликни қўзғатиш ёки бирон бир ҳаракатни амалга оширишга рухсат этилмайди.

23-модда

а) Ҳукумат - бу ишончдир; асосий инсон ҳуқуқларини кафолатларини таъминлаш манфаатларида мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган тарзда қасддан фойдаланиш ва суиистеъмол қилиш мутлақо мумкин эмас.

б) Ҳар ким ўз мамлакати ишларини бевосита ёки билвосита бошқаришда иштирок этиш мумкин. У шунингдек, шариат қоидаларига мувофиқ жамиятда лавозимлар эгаллаш ҳуқуқига эга.

24-модда

Мазкур Декларацияда баён қилинган барча ҳуқуқлар ва эркинликлар ислом шариати билан тартибга солинади.

25-модда

Ислом шариати мазкур Декларациянинг ҳар қандай моддаларини шарҳлаш ёки талқин қилишнинг ягона манбаси ҳисобланади.

Қоҳира, 1411 ҳижрий йилнинг муҳаррам ойи 14 санаси

1990 йил 5 август

Ҳужжат А/45/421

БМТ Бош Ассамблеяси

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМИЙ ИСЛОМ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Европа Ислом кенгаши ташаббуси билан қабул қилинган ва 1981 йил 19 сентябрда Парижда, ЮНЕСКО штаб-квартирасида Ислом кенгаши бош котиби жаноб Салим Аззам томонидан ўқиб эшиттирилган

КИРИШ

Бундан ўн тўрт аср муқаддам Ислом инсониятга инсон ҳуқуқларининг идеал кодексини берди. Ушбу кодексдан асосий мақсад – эксплуатация, жабр-зулм ва адолатсизликни бартараф қилиб, инсониятга ор-номус ва қадр-қиммат кафолатларини беришдан иборат бўлган.

Исломда инсон ҳуқуқлари концепцияси барча инсон ҳуқуқларининг манбаси ва қонунларнинг Муаллифи ёлғиз Аллоҳ эканлигига ишонишга асосланади. Аллоҳ инъом қилган инсон ҳуқуқлари илоҳий келиб чиқишга эга эканлиги сабабли бирон-бир ҳукумат, раҳбар ёки қандайдир раҳбарлик қиладиган гуруҳ томонидан қисқартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас. Уларни ҳеч ким ўз ихтиёрича ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас.

Исломда инсон ҳуқуқлари Ислом тизимининг ажралмас қисмини ташкил қилади ва барча мусулмон ҳукуматлари ва ташкилотлари унинг руҳига ва расмий талқинига риоя қилишлари шарт. Дунёнинг қатор мамлакатларида, жумладан, Ислом давлатларида ҳам инсон ҳуқуқларининг ҳеч қандай жазога тортилмаган ҳолда бузилаётганлиги улкан фожиа ҳисобланади. Бундай ошкора қоида бузарликлар дунёда тобора кўп сонли одамларни ҳаяжонлантирмоқда ва уларнинг ижтимоий онгини уйғотмоқда.

Умид билдирмоқчиманки, мазкур инсон ҳуқуқлари Декларацияси мусулмон халқларга Аллоҳ инъом этган

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаттиқ ва дадил интилиши учун кучли тўртки беради.

Инсон ҳуқуқлари Декларацияси Ислом кенгаши томонидан Ислом даврининг 15 асрлиги муносабати билан тайёрланган иккинчи фундаментал ҳужжат ҳисобланади. Дастлабки ҳужжат Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ва унинг Мурожаатига бағишланган, 1980 йил 12-15 апрель кунлари Лондон шаҳрида бўлиб ўтган анжуманда эълон қилинган Умумий Ислом декларацияси бўлди.

Инсон ҳуқуқлари умумий Ислом декларацияси Қуръон ва Суннатга асосланган бўлиб, машҳур ақл-заковат соҳиблари – мусулмон ҳуқуқшунослари ҳамда Ислом фикрининг турли йўналишлари ва ҳаракатлари вакиллари томонидан ишлаб чиқилган. Аллоҳ уларни қилган меҳнатлари учун муносиб тақдирласин ва уларга ягона тўғри йўлни кўрсатсин.

Салим Азам, Бош котиб

“Эй одамлар! Биз сизларни бир эркак ва аёлдан яратдик ва сизларни ўзаро танишишингиз учун халқлар ва қабилалар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлигингиз энг тақводорингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир.” [Ҳужурот сураси, 13].

ПРЕАМБУЛА

Одамнинг Ер юзида адолатли тузумга эришиш борасида асрлар мобайндаги орзу қилган, инсон кўрқув, жабр-зулм, эксплуатация ва муҳтожликлардан халос бўлган муҳитда яшаш ва ривожланиши мумкин бўлган жой рўёбга чиқишдан ҳали узоқ эканлигини ҳисобга олиб;

Аллоҳ меҳрибонлик ва сахийлик билан инсониятга инъом этган кун кўриш воситалари исроф қилиниши ёки

одамлар улардан адолатсиз равишда маҳрум этилишини ҳисобга олиб;

Аллоҳ ўз ваҳийларини муқаддас Қуръонда ва Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) суннатида ваҳийлар орқали инсониятга барча зарур институтлар ва муносабатлар ўрганиш ва тартибга солиш имконини берадиган ҳуқуқ ва ахлоқий қоидалар ҳада этганлигини ҳисобга олиб;

Илоҳий башорат инъом этган инсон ҳуқуқларининг асосий мақсади ор-номус ва қадр-қиммат кафолатлари, шунингдек, жабр-зулм ва адолатсизликка барҳам берилиши эканлигини ҳисобга олиб;

Инсон ҳуқуқлари уларнинг бажариши лозим бўлган вазифалар ва келиб чиқиш манбаси илоҳий эканлиги ҳамда на ҳукумат, на бошқа бир давлат институтлари томонидан бекор қилиниши ёки чекланиши мумкин эмаслигини ҳисобга олиб,

Биз, мусулмонлар:

а) Меҳрибон ва Раҳмли, Яратувчи, Парвардигори олам, барча қонунлар Манбаси ва инсониятни тўғри йўлга Бошловчи Аллоҳга тўла ишонганлар;

б) Аллоҳнинг ердаги амрини бажариш учун яратилган инсон бажариши лозим бўлган вазифаларга тўла ишонганлар;

в) бизга уларнинг вазифаси Пайғамбар Муҳаммаднинг (с.а.в.) бутун инсониятга якуний мурожаатида чўққисига чиққан пайғамбарлар орқали етиб келган илоҳий қонунлар донишмандлигига тўла ишонганлар;

г) рационаллик ўз-ўзидан, Аллоҳнинг нур сочишисиз, инсониятга ягона тўғри йўл кўрсата олмаслигига, инсон қалбига маънавий озиқа бера олмаслигига тўла ишонганлар; Исломи таълимоти якуний ва бенуқсон шаклдаги Илоҳий Башоратнинг асосий моҳиятини ифодалашига тўла ишонганлар, Аллоҳ инъом этган қадр-

қиммат ва бажариш лозим бўлган юқори вазифалар ҳақида инсонга эслатиб туришни ўз бурчи деб ҳисоблайдиганлар;

д) Ислоннинг ваҳийси моҳиятини бутун инсониятга тарқатиш лозимлигига тўла ишонганлар;

е) бизнинг Аллоҳ билан бирлигимиз азалий эканлигидан келиб чиқиб, бизнинг бурч ва мажбуриятларимиз бизнинг ҳуқуқларимиздан устун эканлигига ва ҳар биримизда Ислон таълимотини иш билан ва сўз билан, ҳар қандай тинч воситалар билан тарқатиш, унинг ғояларини нафақат шахсий доирада, балки жамиятда ҳам жорий қилиш борасида муқаддас бурч ётганлигига тўла ишонганлар;

ж) Ислон тартиби ўрнатиш мажбуриятига тўла ишонганлар, қайсики;

– бунда ҳамма одамлар тенг ва ҳеч ким ирқи, танасининг ранги, жинси, келиб чиқиши ёки тилидан қатъий назар камситиш ёки тенгсизлик шароитларида яшамайдиган ва алоҳида имтиёзларга эга бўлмаган;

– бунда одамлар эркин бўлиб туғилладиган;

– қулчилик ёки каторга ишлари тақиқланган;

– жамият ҳаётининг негизи сифатида оила институтини ҳурматлаш ва ҳимоя қилиш учун шароитлар мавжуд бўлган;

– ҳама одамлар, жумладан, ҳукмдорлар қонун олдида тенг бўлган;

– одам фақат қонун қоидаларига бўйсунадиган;

– ердаги ҳар қандай ҳукумат муқаддас бурч сифатида баҳоланадиган ва устуворликлар қайд этадиган Қонун билан тасдиқланган ва белгиланган чегаралар билан чекланган;

– барча иқтисодий ресурслар инсониятга Илоҳий инъом ҳисобланган ва ундан инсон Қуръон ва суннат қоидалари ва кадриятига мувофиқ фойдаланадиган;

– барча ижтимоий ишлар ва функциялар аниқ белгиланган ва ёзиб қўйилган, маъмурий ҳукумат

ижтимоий фаровонлик мезонлари ва қонунларга мувофиқ қарорлар ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган диндорлар билан маслаҳатлардан (Шўро) кейингина амалга ошириладиган;

– Ҳар бир инсон ўз қобилиятларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажарадиган ва мос равишда ўз ҳаракатлари учун жавоб берадиган;

–Ҳар бир инсон унинг ҳуқуқлари бузилган ҳолатларда уни ҳимоя қилиш учун қонунда белгилаб қўйилган чоралар қўлланишига ишончи комил бўлган;

– ҳеч ким қонун томонидан кафолатланган ҳуқуқлардан, қонунда белгиланган маънода ва даражада маҳрум этилиши мумкин бўлмаган;

– Ҳар бир инсон жамият ёки унинг айрим аъзоларига нисбатан жиноят содир этган бошқа шахсга нисбатан юридик чоралар қўллаш ҳуқуқига эга бўлган;

–а) инсониятни жабр-зулм, адолатсизлик ва эксплуатациянинг барча шаклларидан озод этиш ҳамда

б)қонунда белгиланган шартларда ва доираларда хавфсизлик, кадр-қиммат ва эркинликни кафолатлаш учун барча чоралар қўлланадиган;

Тасдиқлаймизки, Аллоҳнинг хизматчилари ва исломий биродарлик аъзолари бўлган ҳолда, исломий даврнинг ўн бешинчи асри бошларида Ислом йўл-йўриқлари сифатида белгиланадиган қўйидаги санаб ўтилган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз.

1. Яшаш ҳуқуқи

а) инсон ҳаёти муқаддас бўлиб ва дахлсиз, уни ҳимоя қилиш учун барча чоралар кўрилиши лозим. Хусусан, қонунда кўзда тутилган ҳолатларни истисно қилганда, ҳеч ким ярадор қилиниши ёки ҳаётдан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

б) тириклик пайтида ҳам, ўлганидан кейин ҳам инсон танаси муқаддас ва дахлсиз ҳисобланади. Барча диндорларга тегишли ҳурмат-эҳтиром билан дафн этиш кафолатланади.

2. Эркинлик ҳуқуқи

а) Инсон эркин бўлиб туғилади. Ҳеч ким, қонунда кўзда тутилган ҳолатларни истисно қилганда, унинг эркинлик ҳуқуқларини чеклаши мумкин эмас.

б) Ҳар бир инсон ва ҳамма одамлар жисмоний, маданий, сиёсий ва иқтисодий эркинлик ҳуқуқига эга бўлиб, барча қонуний усуллар билан бу –ҳуқуқларни ҳимоя қилишга ҳақли бўлиши лозим. Бир киши ва ҳамма одамлар, уларнинг ҳуқуқлари бузилган ҳолатларда, уларни ҳимоя қилиш учун бошқа шахсларнинг қонуний курашиш ҳуқуқларидан фойдаланишга ҳақли.

3. Тенглик ҳуқуқи ва барча шаклдаги дискриминация тақиқланиши

а) ҳамма одамлар қонун олдида тенг бўлиб, қонун олдида жавоб бериш учун бир хил имкониятлар ҳуқуқига эга;

б) ҳамма одамлар бир хил меҳнат учун бир хил мукофот олишга ҳақли.

в) ирқи, танасининг ранги, жинси, келиб чиқиши ёки тилидан қатъий назар, ҳеч ким меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши ёки биронта дискриминацияга дуч келиши ёки кўпроқ жисмоний рискка дуч келиши мумкин эмас.

4. Одил суд ҳуқуқи

а) Ҳар бир инсон қонунга ва фақат қонунга мувофиқ равишда ишини судда кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

б) Ҳар бир инсон нафақат ҳуқуққа, балки адолатсизликка қарши норозилик билдириш мажбуриятига ҳам эга. Ҳар бир инсон, агарда унга адолатсиз равишда

қандайдир зарар ёки зиён етказилган бўлса, қонунда кўзда тутилган ва қонун билан белгилаб қўйилган инстанцияда ёрдам ва ҳимоя сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, Ҳар бир инсон унга нисбатан қўйиладиган ҳар қандай айбловлардан ҳимояланиш, бошқа шахслар ёки жамоат вакиллари билан судлашишда ишни мустақил ва одил судда адолатли кўриб чиқиши ҳуқуқига эга.

в) Ҳар бир инсон бошқа киши ёки бутун жамиятни (Хизба) ҳимоя қилиш ҳуқуқи ва мажбуриятига эга.

г) шахсий ёки жамоат манфаатларини ҳимоя қилишда ҳеч ким дискриминация ҳис қилмаслиги лозим.

д) ҳар бир мусулмон бундай буйруқнинг келиб чиқиши қандай бўлишидан қатъи назар, агарда қонунга зид келадиган бўлса, бундай буйруққа бўйсунмаслик ҳуқуқига эга.

5. Одил суд ҳуқуқи

а) агар унинг айби мустақил ва одил суд томонидан исботлаб берилган бўлмаса, ҳеч ким айбдор деб топилиши ва жазога ҳукм қилиниши мумкин эмас.

б) судланувчига ҳимояланиш учун нормал шароитлар тақдим этилганлиги шартида мустақил ва одил суд қарори ёки ҳукми чиқарилмагунга қадар ҳеч ким айбдор деб тан олиниши мумкин эмас.

в) Санкциялар қонунга мувофиқ, содир этилган жиноятнинг оғирлигига мутаносиб равишда ва жиноят содир этилган ҳолатни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим.

г) агар у мос келувчи қонун моддаси матнида икки хил тушунишга йўл қўймайдиган тарзда ва аниқ ифодаланмаган бўлса, ҳеч қайси ҳаракат жиноят сифатида баҳоланиши мумкин эмас.

д) Ҳар бир инсон у амалга оширган ҳаракатлар учун жавоб беради. Содир этилган жиноят учун жавобгарлик, бу жиноятни содир этишга бевосита ва билвосита алоқаси

бўлмаган оиласининг бошқа аъзоларига ёки у мансуб бўлган гуруҳ аъзоларига ўтказилиши мумкин эмас.

6. Ҳукмдорлик қилишда суиистеъмолдан ҳимояланиш ҳуқуқи

Ҳар бир инсон давлат институтлари босимидан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Инсонга айблов қўйилганда ёки унинг жиноят содир этишга алоқадорлик эҳтимоли масалани кўриб чиқиш ўринли бўлган вазиятларда ҳеч ким ўзини оқлашга ёки айбдор эмаслигини исботлашга мажбур эмас.

7. Қийноққа солинмаслик ҳуқуқи

Ҳеч ким ундан жиноят соир этганликни тан олиш мақсадида руҳий ёки жисмоний қийноққа солиниши, таҳқирланиши, унга ёки қариндошлари ва яқинларига нисбатан ғаразли муносабат билан таҳдид қилиниши, зўрланиши, шунингдек, адолатсиз ҳукми қабул қилишга розилик беришга мажбурланиши мумкин эмас.

8. Ор-номус ва обрў-эътибор ҳимояси

Ҳар бир инсон ор-номусини ва обрў-эътиборини тухматдан, асоссиз айбловлардан, диффамация ва шантаж ҳаракатларидан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

9. Бошпана ҳуқуқи

а) таъқиб ёки жабр-зулм остида қолган Ҳар бир инсон бошпана ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуққа одамлар жинси, эътиқод қиладиган дини, ирқи ва жинсидан қатъи назар эгадир.

б) Ал Масжид Ал Харам – Маккадаги Муқаддас масжид барча мусулмонлар учун бошпана ҳисобланади.

10. Камчиликлар ҳуқуқлари

а) Қуръоннинг «динда мажбурлаш йўқ» тамойили мусулмон бўлмаган диний камчиликларнинг ҳуқуқларини белгилаб бериши лозим.

б) мусулмон мамлакатда диний камчиликлар вакиллари шахсий ва жамоат ишларини олиб боришда Ислом қонуни ва ўз қонунлари ўртасида танлаш имкониятига эга бўлишлари лозим.

11. Жамоат ишларини бошқаришга иштирок этиш ҳуқуқи ва мажбурияти

а) қонунга мувофиқ, жамиятнинг (Умматнинг) ҳар бир аъзоси жамоатчилик функцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

б) эркин маслаҳат жараёни (Шўро) халқ ва ҳукумат ўртасида маъмурий муносабатларнинг негизи ҳисобланади. Ушбу тамойилга мувофиқ халқ ўз ҳукмдорлаини танлаш ҳуқуқига эга.

12. Дин, фикр ва сўз эркинлиги

а) Ҳар бир инсон ўзининг фикр ва эътиқодларини қонун билан назарда тутилган даражада ва миқёсда ифода этиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким жамият ахлоқига зиён етказиш ёки тухмат қилиш, ҳақорат қилиш ёки бошқаларнинг обрўсига зиён етказиш учун нотўғри маълумот ёки ахборот тарқатиш ҳуқуқига эга эмас.

б) Ҳақиқат излаш ва билимлар ўзлаштириш ҳар бир мусулмоннинг нафақат ҳуқуқи, балки бурчи ҳам ҳисобланади.

в) давлат ҳокимиятининг юқори даражадаги вакилларига қарши туриш керак бўлса ҳам, зўравонликнинг ҳар қандай турига қарши қонун билан белгилаб қўйилган даражада ҳимоя қилиш ва курашиш бурчи.

г) Агар давлат ва жамият манфаатлари учун хавф туғдирмайдиган ва қонун ҳужжатларида кўзда тутилган

чегаралардан ташқарида бўлмаса, ахборотни тарқатишда ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги керак.

д) Ҳеч ким бошқаларнинг диний эътиқодидан нафратланиш ёки истеҳзо билан муносабатда бўлишга ёки уларга нисбатан жамиятда душманлик руҳини уйғотишга ҳақли эмас. Бошқа диндагиларнинг диний туйғуларига ҳурмат - ҳар бир мусулмоннинг бурчидир.

13. Дин эркинлиги ҳуқуқи

Ҳар бир инсон диний эътиқодларига мувофиқ виждон эркинлиги ва диний маросимларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

14. Уюшмалар ташкил қилиш эркинлиги ҳуқуқи

а) Ҳар бир инсон жамиятнинг диний, ижтимоий, маданий ва сиёсий ҳаётида индивидуал тарзда ёки жамоавий равишда иштирок этиш, эзгуликни (маъруф) бажариш ва ёвузлик (мункар) қилишни тақиқловчи институтлар ва ташкилотлар яратиш ҳуқуқига эга.

б) Ҳар бир инсон ушбу ҳуқуқларни амалга оширувчи ташкилотни ташкил этиш ҳуқуқига эга. Жамият бундай ҳолда ушбу ташкилот аъзолари шахсий хислатларини тўлиқ намоён қилиши мумкин бўлган шароитлар яратиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

15. Иқтисодий тартиб ва мос келувчи ҳуқуқлар

а) Иқтисодий фаолиятни амалга оширишда барча инсонлар Аллоҳ инсониятига инъом этган барча неъматлардан, яъни табиат бойлиги ва барча ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

б) Ҳар бир инсон қонун билан рухсат этилган тартибда яшаш учун пул ишлаб топиш ҳуқуқига эга.

в) Ҳар ким индивидуал тартибда ва бошқалар билан биргаликда мол-мулкига ҳуқуқига эга. Бир қатор иқтисодий

воситаларнинг давлат ихтиёрига олиб қўйилиши қонуний деб ҳисобланади.

г) Кам таъминланганлар закотга мувофиқ бадавлат яшовчиларнинг мулкнинг муайян қисмига эга бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу қисм қонунга мувофиқ белгиланади ва тўпланади.

д) Барча ишлаб чиқариш воситалари бутунлай ва тўлалигича жамоат (уммат) манфаатларида фойдаланилиши лозим ва улар инсофсизлик ёки бепарволик билан фойдаланилмаслиги керак.

е) Мувозанатланган иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлаш ва жамиятда эксплуатация имкониятини тўхтатиш учун ислом қонунчилиги монополияларни, ҳаддан ташқари ёпиқ тижорат амалиётини, судхўрликни, битимлар тузишда мажбурлашни ва ёлғонлиги олдиндан маълум бўлган рекламадан фойдаланишни тақиқлайди.

ж) Жамиятга (Умматга) зарарли бўлмаган ва Ислом қонунлари ва қадриятларига зид бўлмаган барча иқтисодий фаолиятга йўл қўйилади.

16. Мол-мулкни ҳимоя қилиш ҳуқуқи

Ҳеч қайси мол-мулк жамият учун манфаатга эга бўлмаган ҳолларда экспроприация қилиниши (мажбурий тарзда тортиб олиниши) мумкин эмас. Бундай экспроприация етказилган зарар учун етарлича ва мос келадиган миқдорда товон пули тўланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

17. Меҳнаткашларнинг мақоми ва қадр-қиммати

Ислом меҳнатни ва меҳнаткашларни ҳурмат қилади ва мусулмонларга меҳнаткашларга адолатли, шунингдек, меҳрибон ва саховатли муносабатда бўлишни буюради. Меҳнаткаш нафақат қилган меҳнати учун ўз вақтида ҳақ

олиши, балки дам олиш ҳуқуқини ва бўш вақтни ўтказиш имкониятини ҳам таъминлаши лозим.

18. Ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи

Ҳар бир инсон жамият ресурслари ҳисобидан озиқ-овқат, уй-жой, кийим-кечак, таълим ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эгадир. Жамиятнинг ушбу мажбурияти, биринчи навбатда, вақтинчалик ёки доимий қобилиятсизлик туфайли бу масалаларни мустақил ҳал қила олмайдиган шахсларга тегишли.

19. Оила қуриш ҳуқуқи ва бу билан боғлиқ масалалар

а) Ҳар бир инсон ўз динига, урф-одатларига ва маданиятига мувофиқ равишда никоҳдан ўтиш, оила қуриш ва болаларни тарбиялаш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқлар ва имтиёзлар қонун доирасида муайян мажбуриятларга эга бўлган эр-хотиннинг иккаласига ҳам берилади.

б) Эр-хотин бир-бири томонидан ҳурмат қилиниш ҳуқуқига эга

в) Ҳар бир турмуш қурган эркак ўз мол-мулки асосида хотинини ва болаларини қўллаб-қувватлашга мажбурдир.

г) Ҳар бир бола ота-онаси томонидан тарбияланиш ва қарамоғида бўлиш ҳуқуқига эга. Болага ёки унинг табиий ривожланиши зарар етказиш билан боғлиқ болалар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланади.

д) Агар бирон-бир сабабга кўра ота-она фарзандларига нисбатан ўз мажбуриятларини бажара олмаса, жамиятга бу мажбуриятларни ижтимоий ресурслар ҳисобидан бажариш юклатилади.

е) Ҳар бир инсон моддий қўллаб-қувватланиш, оиласини ҳимоя қилиш ва қариганда ёки меҳнатга лаёқатсизлик ҳолатида парвариш қилиниш ҳуқуқига эга.

Ота-оналар моддий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ўз фарзандларига ёрдам беришга ҳақли.

ж) Оналикка оила томонидан ҳам, тегишли жамоат органларидан (Уммат) томонидан ҳам ҳурмат қилиш, уларга ғамхўрлик қилиш ва ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи кафолатланиши лозим.

з) Оила доирасида эркаklar ва аёллар уларнинг вазифалари ва мажбуриятларини жинси, қобилиятлари, табиий имкониятлари ва мажбуриятларга мувофиқ равишда ажратиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Улар болаларга ва ота-оналарга нисбатан тенг масъулиятга эга бўлиши керак.

и) Ҳеч ким мажбурлаб турмуш қуриши мумкин эмас, никоҳ қургандан кейин қонуний мустақилликни йўқотиши ёки камроқ фойдаланиши мумкин эмас.

20. Турмуш қурган аёлнинг ҳуқуқлари

Ҳар қандай турмуш қурган аёл қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) эри яшайдиган уйда яшаш;

б) турмуш даражасини ушлаб туриш учун турмуш ўртоғининг даражасидан паст бўлмаган тегишли маблағлар олиши ва ажрашган тақдирда эса, расмий кутиш даври (Идда) давомида турмуш ўртоғининг молиявий имкониятларига ҳам, у қарайдиган ва боқадиган болалар учун ҳам, ўзи учун ҳам яшаш учун мос келадиган пул маблағлари олиш; унинг молиявий аҳволидан, ўз даромадлари ва у шахсан эгалик қиладиган мол-мулкидан қатъий назар маблағлар олиш;

в) Қонун талабларига мувофиқ никоҳни бекор қилишни талаб қилиш ва бунга эришиш (Ҳула); бундан ташқари, у суд тартибида ажрашишга эришиш ҳуқуқига эга;

г) эрига, фарзандларига, ота-онасига ва бошқа одамларга қонунга мувофиқ мерос қолдириш.

д) унинг турмуш ўртоғи у ҳақида эга бўлиши ва уни тарқатиш манфаатларига зиён етказиши мумкин бўлган маълумотни сир тутиши керак. Бундай мажбуриятга турмуш ўртоғи ёки собиқ турмуш ўртоғи олдида у ҳам эгадир.

21. Таълим олиш ҳуқуқи

а) Ҳар ким ўз туғма қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ таълим олиш ҳуқуқига эга.

б) Ҳар бир инсон касб ва карьера танлаш ҳуқуқига ва ўзининг туғма қобилиятларини тўлиқ ривожлантириш имкониятини олиш ҳуқуқига эга.

22. Хусусий ҳаёт ҳуқуқи

Ҳар бир инсон хусусий ҳаёти махфийлигини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир.

23. Эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи

а) Ислом дунёси аслида Исломнинг уммати эканлигидан келиб чиқиб, ҳар бир муслмон ҳар қандай муслмон мамлакатга эркин кириш ва уни эркин равишда тарқ этиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим;

б) Ҳеч ким агар бундай ҳаракатлар қонуний қоидаларга мос келмаса, яшаш жойини тарқ этишга мажбур қилиниши ёки ноқонуний равишда депортация қилиниши мумкин эмас.

Изоҳлар

1. Декларацияда қўлланилган айрим атамалар ҳақида қисқача изоҳ бериб ўтиш зарур

а) «инсон» деганда бир вақтнинг ўзида эркак киши ҳам, аёл киши ҳам кўзда тутилади;

б) "Қонун" атамаси остида Шариат, яъни Қуръон ва Суннатдаги кўрсатмалар мажмуаси, шунингдек, юқорида кўрсатилган манбаларнинг ҳар иккаласининг ҳукмларидан келиб чиқадиган, Ислом фикҳи учун мақбул келадиган ҳар қандай қонун кўзда тутилади

2. Декларацияда санаб ўтилган инсон ҳуқуқларининг ҳар бири инсонга тегишли мажбуриятлар ҳам юклайди.

3. Инсоннинг юқорида саналган ҳуқуқлардан фойдаланиш имконияти фақатгина уларнинг мақсади бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний эътироф этиш ва ҳурмат қилишни таъминлаш, шунингдек, одоб-ахлоқ, жамоат тартиби ва жамиятнинг (Уммат) умумий фаровонлиги адолатли талабларини қондиришга қаратилган қонун қоидалари билан чекланиши мумкин.

4. Ушбу Декларация матнининг асл нусхаси араб тилида ёзилган.